БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 165 (16.551). | 16 июль 1976 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Партия XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун нурашаётган барча совет кишилари қаторн қурилиш-монтаж ташкилотлари, бинокорлар, материаллари ва индустрияси меҳнаткашлари ҳам баланд руҳ билан ишлаб, ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдираётирлар. Қурилиш-монтаж ташкилотларининг меҳнатнашлари партия қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, 1976 йил плантопшириқларини муддатидан илгари адо этиш ниятида янгидан-янги резервларни ишга солмоқдалар, имкониятлардан самарали фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Янги объектларни тиклашга сарф қилинган ҳар бир сўмнинг самарадорлиги учун кураш бинокорлар, монтажчилар ва қурилиш индустрияси меҳнаткашларининг кундалик шиорига айланиб қолди. «Тез, тежамли ва замонавий техника асосида қуриш-капитал қурилишда юксак самарадорликка эришишнинг шартларидир, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездига Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот докладида. — Бинобарин, биз кўп миллионли қурувчилар армияси айни шундай ишлашига аминмиз». Қурувчилар ва монтажчилар съезд кўрсатмаларини рўёбга чиқариш учун янгидан-янги ташаббусларнинг ташкилотчилари сифатида майдонга чиқмоқдалар. Беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажаришга даъват этган ишлаб чиқариш новаторларидан ўн кишининг ташаббуси, қолоқларсиз ишлаш мажбуриятини олган янгийўллик ишчиларнинг даъвати, «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» шиори, инженер-техник ходимларнинг шахсий ижодий планлари ва ватанпарварларнинг бошқа кўпгина ташаббуси коллективларда тобора кенг ёйилмоқда. Бундай кўтаринкилик уларнинг меҳнат фаолияти учун кундалик нормага айланиб бормоқда.

Куни кеча республика партия-хўжалик активининг йиғилишида КПСС XXV съездининг капитал маблағлар самарадорлиги ва қурилиш сифатини ошириш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида республика партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вазифалари атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда таъкидлаб ўтилдики, коллективларнинг зўр ғайрат ва фидокорлик билан қилган меҳнати туфайли қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг коллективлари шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг олти ойидагига қарагандa кўпроқ капитал маблағ ўзлаштиридилар. 2,5 минг километр узунликда электр линиялари, Қўшқўпир пахта тозалаш заводи, йиғма темир-бетон, табиий тош ва керамикадан пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида янги қувватлар, минерал ўғит омборлари, паррандачилик фабрикалари, сут етиштириладиган чорвачилик комплекслари ишга туширилди. 28 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Уй-жой қурилиши тез суръатлар билан давом этмоқда. Беш йиллик дастлабки йилининг олти ойи мобайнида 884 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Сал кам 15 минг ўринли мактаблар ва 4 минг ўринли болалар муассасалари, 290 ўринли касалхоналар ва 1700 кишига хизмат кўрсата оладиган поликлиникалар ишга туширилди.

Олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақият билан бажарилишини таъминлаш учун кураш мусобақасида кўпгина бинокорлик ташкилотлари ибрат кўрсатмоқдалар. Республикадаги барча қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идоралари пудрат ишлари ярим йиллик планларини бажардилар. Андижон ва Наманган областлари партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари капитал қурилиш планини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда яхши натижаларга эришдилар. Улар асосий фондларни, уй-жой, мактабларни, болалар ва даволаш муассасаларини қуриб фойдаланишга топшириш юзасидан зиммаларига олган олти ойлик программани ортиғи билан бажардилар.

Актив йиғилиши капитал маблағлар самарадорлиги ва қурилиш сифатини оширишни таъминлайдиган муҳим масалаларни ўртага ташлади, олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга халқит бераётган камчиликларни кўрсатиб, бундай камчиликларни тугатиш зарурлигига эътиборни қаратди. Дарҳақиқат, айрим қурилиш ва монтаж ташкилотлари ҳамон ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланаётганлари йўқ. Уларнинг баъзилари эса пудрат ишлари давлат плани топшириқларини бажаришда ва ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойларни, маданий ва маиший хизмат кўрсатадиган муассасаларни ишга туширишда қолоқликка йўл қўймоқдалар. Республика Қурилиш министрлигининг бешта йирик трести, «Узградострой» бирлашмаси, Қишлоқ қурилиши министрлигининг икки трести, «Главташкентстрой»га қарашли беш трест пудрат ишлари ярим йиллик планларини бажармади. Пудратга олувчи базъи министрлик ҳамда идоралар бир меъёрда ишламаётир. Улар резервлардан фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини оширишга, иш вақтидан самарали фойдаланишга, қурилиш ишларидаги оғир ва сермеҳнат жараёнларни, хусусан пардозлаш ишларини механизациялаштиришга етарли эътибор бермаётирлар.

Капитал маблағлар самарадорлиги ва қурилиш сифатини оширишда кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Уларнинг ташаббускорлигини ошириш, Н. Злобин методи — бинокорликда бригада хўжалик ҳисобини кенг жорий этиш, тармоқ графикларининг бажарилиши ҳамда иш технологиясига оғишмай риоя қилиниши учун раҳбар кадрларнинг ва инженер-техник ходимларнинг масъулиятини ошириш зарур. Лойиҳалаш ташкилотларининг бугунги талабларга мос келадиган лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлашга эришишларини таъминлаш керак. Буюртмачи министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек «Узглавснаб» ишга туширилаётган иншоот ва объектларни технология усуналари, электротехника ва электр кабель маҳсулотлари, махсус материаллар, автоматика ва ўлчов приборлари билан комплектлашни жадаллаштиришлари лозим.

Партия XXV съезди бутун куч-қувватни 1976 йилда ишга туширилаётган объектларга тўплаш ва бу объектларни йил охирида эмас, балки планда белгиланган аниқ муддатларда ишга туширишга даъват этди. Капитал маблағларни планлаштириш ва шу маблағлардан фойдаланишга ёндашишнинг ўзини ўзгартириш, ишлаб турган корхоналар билан янги қурилаётган корхоналарни бир бутун комплекс сифатида планлаштириш — бугунги қунининг талабидир. Капитал маблағларни министрликлар билан идоралар умуман янги объектлар учун эмас, балки планда белгиланган маҳсулотни кўпайтириш учун ажратишлари керак. Капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, асосий фондларнинг тобора ўсишини ва уларни сифат жиҳатидан такомиллаштиришни таъминлаш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида планлаштириш, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишини ташкил этишни яхшилаш, қурилиш муддатларини қисқартириш ва уннинг таннархини арзонлаштириш республикадаги партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Ҳар бир бинокор, ҳар бир мутахассис ва ҳар бир ишлаб чиқариш участкасининг раҳбари янги техника ва илғор тажрибани жорий этиш асосида меҳнат унумдорлигини, қурилишнинг сифатини ошириш ва қурилиш сифатини яхшилаш планларини бажариш, ички резервлардан омилкорлик билан фойдаланиш, иш вақтининг беҳуда ўтишини тугатиш, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, олинган юксак мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан масъулиятни ошириши керак.

КПСС XXV съездининг капитал қурилиш соҳасидаги улкан программасини муваффақият билан бажариш учун социалистик мусобақани янада авж олдирайлик.

КПСС РАҲБАРЛАРИ ЯНГИ СТОКГОЛЬМ ХИТОБНОМАСИНИ ИМЗОЛАДИЛАР

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари барча ҳукуматларга ва парламентларга, сиёсий партияларга ва жамоат ташкилотларига қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун курашда куч-ғайратларини бирлаштиришга даъват этувчи янги Стокгольм Хитобномасини 15 июль куни имзоладилар.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев, М. В. Зимянин, К. У. Черненко ўртоқлар Хитобномани имзоладилар.

Атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги тарихий Стокгольм Хитобномасининг 25 йиллиги муносабати билан Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиуми 1975 йил 2 июнда қабул қилган бу Хитобнома тинчлик иши учун хатарли бўлган қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қурол-яроғларнинг тўпланган запасларини камайтиришга, халқаро кескинликни юмшатишни кучайтиришга ўтиш учун жаҳонда оммавий кампанияни бошлаб берди. Ўтган йил мобайнида турли мамлакатлардаги ўн миллионлаб кишилар ана шу Хитобномани имзоладилар, имзолар сони қун сайин кўпайиб бормоқда.

Совет Иттифоқида бу кампания умумхалқ характерини касб этди. Шу кунгача мамлакатимизнинг юз миллиондан кўпроқ граждани ана шу Хитобнома тагига ўз имзосини қўйди. Совет кишилари янги Стокгольм Хитобномасини имзолай туриб, урушдан нафратланаётган ва уруш нималигини яхши биладиган халқимизнинг чинакам эрксеварлигини намойиш қилмоқдалар. Улар КПСС билан Совет давлатининг изчил тинчликсевар ташқи сиёсат йўлини, КПСС XXV съезди қабул қилган тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги кураш программасини тўла-тўқис маъқуллаётганликларини изҳор этмоқдалар.

КПСС раҳбарлари Стокгольм Хитобномасини имзолаганликлари — тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилинаётганлигини, партия ва халқ кескинликни реал юмшатиш йўлида бундан буён ҳам қадам қўйишга, кескинликнинг юмшатилишига барқарор, муқаррар тус беришга интилаётганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир.

ХИТОБНОМА

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ ТЎХТАТИЛСИН!

ХАЛҚАРО КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ МУҚАРРАР БЎЛСИН!

Тинчлик учун ва кескинликни юмшатиш учун курашда эришилган ғалабалар янги халқаро муҳитни вужудга келтирди, жаҳон халқлари ўртасида янги орзу-умидлар, бирбирига ишонч ва умидворлик туғдирди.»

Тинчликни сақлаб қолиш мумкин. Бутун дунёда тинчликни таъминлаш бизнинг қўлимизда.

Тинчликсевар кучлар жипслашиб ҳаракат қилган тақдирда мустаҳкам ва адолатли тинчликни яратиш йўлида ҳали ҳам турган тўсиқларни бартараф қила оладилар, агрессияни, жабр-зулм ва эксплуатацияни, очлик ва қашшоқликни инсоннят ҳаётидан абадий йўқ қила оладилар.

Қуролланиш пойгаси кескинликни юмшатишни муқаррар қилиш учун ҳалақит бераётган энг асосий нарсадир. Қуролланиш пойгаси ҳали ҳам ядро фалокати хавфини туғдирмоқда. Кескинликнинг юмшатилиши шу хавфни орқага суриб юборди, лекин қуролланиш пойгаси кескинликни юмшатиш жараёнини тўхтатиб қўйиш хавфини сақлаб қолмоқда.

Қуролланиш пойгаси кенг халқлар оммаси зиммасига оғир юк бўлиб тушмоқда. Халқлар оммаси турмуш кечириш қимматининг тинмай ўсишига, инфляцияга ва иқтисодий қризисларга дучор бўлмоқда; қуролланиш пойгаси халқларни ўз бойлиги ва ресурсларининг кўп қисмидан маҳрум қилиб қўймоқда.

Кескинликни юмшатиш янги халқаро иқтисодий тартиб учун, халқларнинг ўз табиий ресурсларини ўзлари тасарруф этиш ҳуқуқлари учун муваффақиятли кураш йўлида янги истиқболлар яратиб берди. Кескинликни юмшатиш — халқларнинг монополияларга ва кўп миллатли корпорацияларга қарши кураши қамарали қуролдир.

Кескинликни юмшатиш ҳозирги замоннинг энг муҳим халқаро проблемаларини ҳал этиш учун, кескинлик ва можаролар ўчоқларини тугатиш учун янгидан-янги имкониятлар яратиб беради.

Кескинликни юмшатиш — барча мамлакатлар халқларининг миллий мустақиллик, адолат ва социал тараққиёт йўлидаги курашида куч-ғайратларини ошириш учун ҳаётий муҳим омилдир.

Қуролланиш пойгаси, империалистларнинг аслаҳахоналарида қурол-яроғларнинг тўпланиши фақат агрессия, мустамлакачилик ва иркчилик, милитаризм ва фашизм кучларигагина қўл келади.

Қуролланиш пойгасининг тўхтатилиши инсониятга қуролсиз дунё сари, ялпи ва тўла қуролсизланиш амалга оширилган дунё сари йўлни очиб беради. Бундай дунёда ядро қуроли, оммавий қирғин қуролининг барча турлари тамомила тақиқланган бўлади.

Тинчликсевар жамоатчиликнинг масъулияти ва унинг жаҳон воқеаларининг боришига таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Тинчликсевар жамоатчилик қурол-яроғ билан савдо қилувчиларни, «совуқ уруш» тарафдорларини ва инсоният душманларини жиловлаб қўя олади.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши барча ҳукуматлар ва парламентларни, тинчлик учун курашаётган барча жамоат ҳаракатларни ва ташкилотларини, инсоннят тараққиётини ўз олдига мақсад қилиб қўйган сиёсий партияларни, касаба союзларини, ҳотин-қизлар ва ёшлар ташкилотларини, диний, социал ва маданий ташкилотларни қуролланиш пойгасига қарши умумжаҳон миқёсида янги ҳужум бошлаш учун қўйидаги мақсадлар йўлида кучларни бирлаштиришга даъват этади:

Кескинликни юмшатишни муқаррар қилиш **учун** қуролланиш пойгаси тўхтатилсин!

Янги халқаро иқтисодий тартибни тезроқ ўрнатиш **учун** қуролланиш пойгаси тўхтатилсин!

Тинчликни ҳимоя қилиш ва янги дунё барпо этиш **учун** қуролланиш пойгаси тўхтатилсин!

Ядро қуролининг ва оммавий қирғин қуроли бошқа барча турларининг тақиқланиши учун **биргаликда** курашайлик!

Ялпи ва тўла қуролсизланиш учун **биргаликда** курашайлик!

Қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясининг тезроқ чақирилиши учун **биргаликда** курашайлик!

СТОКГОЛЬМ, 1975 ЙИЛ 2 ИЮНЬ ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИ.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси Ролан Леруа Ўзбекистон бўйлаб сафарга чиқди.

Меҳмон Тошкентдан ташқари Урганч, Хива, Самарқандда бўлди. Р. Леруа шу шаҳарлар ҳаёти билан танишди, Хоразм ва Самарқанд область партия комитетлари раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Ролан Леруа Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейининг филиалини бориб кўрди, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлди, шаҳаннинг диққатга сазовор жойларини, янги турар жой кварталларини кўздан кечирди. (ЎзТАГ).

ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Совет ҳукуматининг меҳмони сифатида Совет Иттифоқига келган Эрон бош министри А. А. Ҳувайдо 15 июлда Москвадан ватанига жўнаб кетди. (ТАСС).

ДОН—ДАВЛАТГА

Республикамиз областларида ғалла ўриш ва давлатга дон топширишнинг бориши тўғрисида шу йил 15 июлга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — ғалла ўриб олинган майдон (процент ҳисобида), учинчи устун — топширишга нисбатан тайёрланган дон (процент ҳисобида).

АНДИЖОН	98,1	102,0
ФАРҒОНА	95,3	102,0
БУХОРО	94,7	101,4
ҚАШҚАДАРЁ	94,1	101,3
СУРХОНДАРЁ	86,1	100,1
ТОШКЕНТ	89,1	100,0
СИРДАРЁ	85,4	100,0
Наманган	98,9	88,7
Самарқанд	78,8	80,1
Жиззах	73,1	72,7
Республика бўйича	84,1	89,6

ЯНГИ СТОКГОЛЬМ ХИТОБНОМАСИГА ЮЗ МИЛЛИОН КИШИ ИМЗО ЧЕКДИ

Тинчликни ҳимоя қилиш совет меҳмонининг берган дастлабки маълумотларига қараганда, мамлакатимизда янги Стокгольм Хитобномаси остига қарийб юз миллион граждан қўл қўйди.

Комитет раисининг биринчи ўринбосари академик Е. К. Федоров бу фактни шарҳлаб ТАСС мухбирига бундай деди:

— Қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш учун кураш тўғрисида Жаҳон тинчлик кенгашининг даъвати Совет Иттифоқида қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, Москвада ва Москва областида ана шу муҳим ҳужжат остига етти миллиондан ортиқроқ киши, Ленинградда ва Ленинград областида эса икки миллиондан ортиқроқ киши имзо чекди. Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Арманистон ва бошқа иттифоқдош республикаларда жаҳон тинчлик кенгашининг мурожаатини катта ёшдаги аҳолининг кўпчилиги имзолади.

Янги Стокгольм хитобномасига имзо тўплаш давом этмоқда.

«Салют-5»: ПАРВОЗ ПРОГРАММА АСОСИДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 15 июль. (ТАСС). Космонавтлар Борис Волинов ва Виталий Жолобов «Салют-5» орбитал илмий станцияси бортида навбатдаги иш куни давомида технологик ва медицинавий тадқиқотларни ҳамда экспериментларни давом эттирдилар.

Экипаж «Кристалл» технологик экспериментни бажаришга киришди. Бу экспериментда вазнсизлик шароитида кристалларнинг ўсиш хусусиятлари тадқиқ қилинади. Бунинг учун станцияда алюмокалийли ачиқтошларнинг сув эритмаси солинган кристаллизаторлар бор. Космонавтлар эритмага кристалл заррачаларини соладилар. Бу эксперимент бир неча сутка давом эттирилади. Сўнгра вазнсизлик шароитида ҳосил бўлган кристаллар анализ қилиш ва ердаги шароитда етиштирилган худди шундай кристаллар билан таққослаб кўриш учун ерга олиб тушилади.

Космонавтлар медицина экспериментлари программаси асосида космик учиш омилларининг таъсири остида ўзларининг таъмин сезишларидаги ўзгаришини белгилайдилар. Бунда командир ва борт инженер шўр, аччиқ, нордон ва ширин моддаларнинг тўпланишига қараб танлаб олинган таъмни сезиш индикаторларидан фойдаланмоқдалар. Эксперимент орбитал станциялар ва космик кемалар экипажларининг озиқовқат рационы ва овқатланиш режимларини янада такомиллаштириш мақсадида ўтказилмоқда.

«Салют-5» станцияси бортида илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Космонавтлар Волинов билан Жолобовларнинг кайфияти яхши.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

14 июлда СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик плани ва 1977 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССР Давлат бюджети, лойиҳалари муҳокама қилинди.

СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXV съездида қилган докладида баён этилган қоидалар ва хулосаларга ҳамда 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига мувофиқ СССР Госплани ишлаб чиққан ўнинчи беш йилликда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани лойиҳасини, 1977 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани лойиҳасини ҳамда СССР Молия министрлиги ишлаб чиққан 1977 йилги СССР давлат бюджети лойиҳасини асосан маъқуллади.

СССР Министрлар Совети Президиумига Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг Раислари, СССР министрлари ва идоралари раҳбарларининг иштироки билан ҳар бир Иттифоқдош республика, СССРнинг ҳар бир министрлиги ва идораси бўйича мазкур план ва бюджет лойиҳаларини қараб чиқиш ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ҳамда иш сифатини яхшилаш асосида ишлаб чиқариш, қурилиш, моддий-техника ресурслари ва молиявий ресурслар юзасидан лойиҳалаштириладиган кўрсаткичларнинг зарур даражада бир-бирига мувофиқ бўлишини таъминлаш топширилди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган Давлат беш йиллик плани ва 1977 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССР Давлат бюджети лойиҳалари СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этилади.

Шу мажлисда 1976 йилнинг биринчи ярмида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш планининг бажарилиш якунлари қараб чиқилди.

КПСС XXV съезди қарорлари туфайли меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик гоят ўсганлиги ҳамда 1976 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақа кенг авж олганлиги натижасида шу йилнинг биринчи ярмида мамлакат экономикасини ривожлантириш ва халқнинг фаровонлигини юксалтиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришилди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1975 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан йиллик планда мўлжалланган 4,3 процент ўрнига 5 процент кўпайди. Барча министрликлар, идоралар ва иттифоқдош республикалар саноат маҳсулотини реализация қилиш ярим йиллик планини ошириб бажардилар. Пландан ташқари 4 миллиард сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Саноатда меҳнат унумдорлиги 1975 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан йиллик планда мўлжалланган 3,4 процент ўрнига 3,5 процент ошди. 1976 йилнинг биринчи ярмида товар оборoти 1975 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 4,8 процент ортди. Марказлаштирилган давлат капитал маблағлари ҳисобига жами майдони 21,6 миллион квадрат метрлик уй-жой, 99 минг ўринли умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юрти бинолари қурилди.

Шу билан бирга мажлисда 1976 йил биринчи ярми планини бажаришда камчиликлар борлиги ҳам қайд қилиб ўтилди. Бир қанча министрликлар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича топширикни бажарганлари ҳолда, маҳсулотнинг энг муҳим турларини белгиланган номенклатурада бажаришни таъминламадилар. Қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган топширик тўлиқ бажарилмай қолди. Кўпгина министрликлар ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишда ва ўзлаштириш борасидаги топшириқларни бажармадилар.

СССР Министрлар Совети СССР министрлари, идораларининг раҳбарлари ва Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига ўзларига қарашли корхона ва қурилишларнинг ишидаги мавжуд камчиликларни йўқотиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда план топширикларининг бажарилишини таъминлаш мажбуриятини юклади.

Яқин кунлар ичида қишлоқ хўжалик техникасини ҳосил ўрим-йиғимига тахт қилиб қўйиш учун ҳамма чораларни кўриш зарур эканлигига, бу йилги ўрим-йиғим ишларини муваффақиятли ўтказишни, донни сақлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш, уруғликни жамғариб қўйиш ва чорвачилик учун озуқа тайёрлаш планларининг бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин нутқ сўзлади.

СССР Министрлар Совети мажлиси ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ А. П. Кириленко қатнашди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Партия Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимлари мудирларининг кенгаши бўлди. Кенгашда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, марказий идеология муассасаларининг ва матбуот органларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

«КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида» партия Марказий Комитети қарорини бажариш соҳасида партия ташкилотларининг иши ҳақида КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин доклад қилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган докладидаги қоидалар ва хулосалар асосида, партиянинг ички ва ташқи сиёсати, экономика, маданият, ижтимоий ҳаётни ривожлантириш, халқаро майдонда буржуа идеологиясига қарши кураш вазифаларига мувофиқ партия ўқувини такомиллаштириш, унинг назарий савиясини ошириш ҳамда коммунистик қурилиш практикаси билан боғланишини мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқдилар. Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни янада ривожлантириш, ёшларнинг сиёсий ўқувини, пропагандист кадрларни тайёрлашни яхшилаш, партия назарияси ва сиёсатини пропаганда қилишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш йўллари ҳам муҳокама қилинди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС XXV съезди материалларини ўрганишни ҳамда коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини оширишга, ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажаришга қаратилган ғоявий-тарбиявий ишни ташкил этиш тажрибаси билан ўртоқлашдилар.

(ТАСС).

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Ҳунар-техника таълими системасини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун Сурхондарё областида нима қилинялти? Ўзбекистон ССР Олий Советининг халқ маорифи доимий комиссияси ўзининг 14 июль кунидаги мажлисида ана шу масалани қараб чиқди.

Областда ўнинчи беш йилликда бешта янги ҳунар билим юрти қуриш, ҳозир ишлаб турган ўқув юртларидан тўққизтасини кенгайтириш, учта янги бинони билим юртларига топшириш мўлжалланган. Шу билан бирга, депутатлар таъкидлаб ўтганидек, Сурхондарё маҳаллий Советлари ёшларнинг ҳунар-техника таълимига раҳбарликда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Айрим ижроия комитетлари билим юртларини қуриш ва ремонт қилишга, уларни комплектлаштиришга етарли эътибор бермаётирлар, ўқув-тарбия ишларини яхшилаш учун зарур тадбирларнинг ҳаммасини кўрмаётирлар.

Доимий комиссия қабул қилган қарорда Сурхондарё область ижроия комитетига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитетига, бошқа министрликлар ва идораларга бир қанча тавсиялар берди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ ЮНУС РАЖАБИЙ ХОТИРАСИНИ АБАДИЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, композитор Юнус Ражабийнинг республика музика санъатини ривожлантиришдаги катта хизматларини ҳисобга олиб, жамоатчиликнинг кўп марта илтижо қилган истакларини назарда тутиб, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Маориф министрлигининг республика педагогика музика билим юртига, Жиззах область музикали драма театрига Юнус Ражабий номи берилсин, деб қарор қилдилар.

Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг бири Юнус Ражабий номи билан аталади.

Юнус Ражабий қабрига унинг бюстини ўрнатишга қарор берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада биология фанини ривожлантириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, профессор, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети кафедрасининг мудири Ипполит Иванович **Гранитов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларидаги кўп йиллик, самарали ишлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан меҳнаткашлар депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитетининг секретари Дадабой **Кодировни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш соҳасида кўп йиллик, самарали ишлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Узплодоовошчвинпром» аграр-саноат бирлашмаси «Узсадвинсовхозтрест» бошқарувчисининг ўринбосари Вера Николаевна **Рягузова**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлади.

ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ

ПАРТИЯ ҲАЁТИ САҲИФАСИ

◆ КПСС XXV СЪЕЗДИНИНГ ИЛҲОМБАХШ РУҲИ ◆ КОММУНИСТЛАРНИНГ МУЛОҲАЗАЛАРИ ◆ ПАРТИЯ ҲАЁТИНИНГ ҚОНУНИ ◆ ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИДНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ ◆ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ ЯНГИ ИНСОН КАМОЛОТИ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ◆ ТАШАББУС ТУҒИЛГАН ЖОЙДА

БЕШ ЙИЛЛИК ВА ОМИЛКОРЛИК

Резервлар ва имкониятларни ўз вақтида тўғри илғаб олиш, улардан самарали фойдаланиш йўлларини излаш ва ишга туширш ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажаришнинг муҳим омилидир. КПСС XXV съездида бу борадаги вазифалар аниқ, равшан кўрсатиб берилган. Шунга асосланиб, совхозимиз партия комитети галлачилик ва жамоат чорвачилигини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини аниқ белгилаб олмоқда, коммунистларнинг куч-ғайратини, совхозимиз коллективининг фидокорона меҳнатини шу вазифаларни ҳал қилишга қаратмоқда.

Ўнинчи беш йиллик баҳори галлакор ва чорвадорларимиз учун қулай келди. Шу кунларда 500 гектардан ортиқ табиий ўтлоқзоримизда пичан ўрилди. Партия комитети чорва мутахассислари, коммунистлар билан маслаҳатлашиб, уни қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиш чораларини кўрди. Бу катта ишни бошлаш олдидан семинар-кенгаш ўтказиб, ишчи кучларини, техника воситаларини тўғри жойлаштирдик. Уч йиллик ем-хашак жамғариш тадбирларини туздик.

Пичан ўрими бошлангач, партия комитети бутун эътиборини механизаторлар учун қулай маданий-маиший шароит яратишга қаратди. Олтита кўчма ўйнинг ҳар бирига телевизор ва радио етказиб берилди. Районимиздаги «Бўстон» халқ ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари пичан ўрувчилар учун концертлар уюштиришди. Социалистик мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилди. Беш кунлик иш якунлари асосида илғорлар кўчма вимпел, қўл соати ва пул мукофотлари билан тақдирлаб борилди.

Шуни айтиш керакки, ўрни топиб айтилган бир оғиз ширин сўз баъзан кишига ҳар қандай моддий мукофотдан кучлироқ таъсир кўрсатади. Биз пичан ўримида «Ишчилар овози» деворий газетаси, «Жанговар варақа»лар чиқаришни йўлга қўйдик. Бу, рағбатлантирувчи жарангдор сўз таъсирини оширди. Партия комитетининг аъзоларидан М. Қодиров ва Ҳ. Эшбўриевлар ем-хашак бригадалари аъзолари ўртасида тарбиявий ишни кучайтирдилар. Агитаторлардан С. Омонов, Ш. Хўжанов, Ҳ. Соатов, Ш. Бўроновлар партия XXV съезди материалларини кенг тарғиб қилдилар. Натижада, пичан ўримида қатнашган 800 дан ортиқ ишчининг меҳнати унумли бўлди. Гектаридан 8 тоннадан ошириб пичан ўриб олинмоқда. Шу кунгача 3300 тонна сенаж бостирилди.

Партия комитети омилкорлик билан иш тутиб, меҳнаткашларнинг куч-ғайратини шу кунинг муҳим вазифаларини бажаришга оператив сафарбар этмоқда. Бу имкониятлар ва резервларни тўла ишга солишга ёрдам бераётир.

Н. ХУДОЙҚУЛОВ,
Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз партия комитетининг секретари.

Бизнинг коммунистик қурилиш соҳасидаги барча муваффақиятларимиз бошланғич партия ташкилотларининг кундалик фаолияти натижасидир. Улар КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, хўжаликка раҳбарликни такомиллаштирмоқдалар, социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги, ошкоралигини таъминламоқдалар. Суратда: Тошкент пилпалакшлик фабрикаси партия бюросининг аъзолари (чапдан) — фабрика директори Бектой Кенжабоев, пилпалакш Заҳира Магнавеева, партия ташкилотининг секретари Маҳамаджон Алимов, пилпалакш Зеби Тешабоева ўртоқлар социалистик мусобақани янада нучайтириш масаласини муҳокама қилмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ПАРТКОМ ВА АХЛОҚ ТАРБИЯСИ

ЗАМОНДОШИМИЗ ФАЗИЛАТИ

КПСС аъзоси Сафо Матёқубовнинг хулқ-атвори партия комитети аъзоларинигина эмас, балки барча коммунистларни ҳам ташвишга солиб қўйди. У ўзига ишониб топширилган вазифани суиистеъмол қилиб, шахсий бойлик орттирмоқчи бўлди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўзлаштиришга уринди. Бунинг устига ахлоқий нопоклик факти ҳақида ҳам сигнал тушди.

Партия йиғилишида коммунист номига доғ туширувчи бу хатти-ҳаракатлар қаттиқ қораланди. Коммунистлар ўз шахсий манфаатини жамоат манфаатидан устун қўйган киши партия сафида туришга номуносиб эканлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, коммунистнинг тақдири тўғрисида чуқур ўйлаб иш кўриш, оқилона хулосага келиш керак эди. 1942 йилдан КПСС аъзоси, меҳнат ветерани Матвафо Юсупов ҳаммага мақбул фикрни изҳор этди:

— Коммунист Сафо Матёқубовнинг ҳаракатлари КПСС Уставига, коммунистик ахлоқ принципларига хилоф эканлигини ҳаммамиз билиб турибмиз. Биз уни жазосиз қолдиришимиз мумкин эмас. Жазодан мақсад эса адашган кишини тўғри йўлга солиш, уни тарбиялашдир. Гуноҳ қилган одамни сафдан чиқариш у қадар қийин эмас, аммо уни тарбиялаш анча мураккаб, бардош ва вақт талаб этадиган иш. Биз қийин йўлдан борсак ҳам, кишиларни тарбиялашимиз, инсон тақдирига жиддий ёндашишимиз зарур.

Шундай қилиб, Сафо Матёқубовга қаттиқ виговор берилди, бригада бошлиғи вазифасидан бўшатиш масаласи правление эътиборига ҳавола қилинди. У йиғилишда сўзга чиқиб, ўз хатоларини тан олди, бу доғни меҳнат билан ювишга, партия аъзоси деган юксак номни бундан буён ҳамиша покиза сақлашга қатъий сўз берди.

Мана орадан бир неча йил ўтди. Коммунист Сафо Матёқубов меҳнатда ташаббус кўрсатди. Партия топшириқларини сидқидилдан бажара бошлади. Партия ташкилоти унга янада масъулиятлироқ топшириқлар бериб, амалий ишда синади. Партия бюросида, коммунистларнинг йиғилишларида унинг ҳисоботлари тингланди, меҳнат ва ижтимоий фаолияти партиявий талабчанлик билан кузатиб турилди. Вақти келиб, унинг номи яна тилга тушди.

Шунда Матёқубовни бир кўрсангиз эди! Қадди-қоматини тик тутиб, йиғилишларда ёруғ юз билан ўтирадиган, муҳим-муҳим масалаларни муҳокама қилишда ўринли мулоҳазалар билдирадиган бўлиб қолди. Энг муҳими, коммунистлар унинг сўзларини эътибор бериб тинглашар, маъқуллашарди. Шундагина Матёқубов енгил нафас олар, ўзини тўғри йўлга солиб қўйган маслакдош дўстларига миннатдорчилик билан боқарди.

Девонқўл массивини ўзлаштириш бошланганида Матёқубов биринчилардан бўлиб чўлга отланди. Янги ерларни пахтазор, боғ-роғларга айлантиришда жасорат кўрсатди. Ниҳоят, партия комитети коммунист Матёқубовнинг шахсий иши билан боғлиқ масалага яна қайтди. Батафсил муҳокамадан сўнг унга берилган жазо олиб ташланди. Колхозчилар оловқалб коммунистга яна катта ишонч билдириб, қўриқда ташкил этилган бригадага бошлиқ қилиб сайладилар. Янги очилган 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинишида тадбиркор бригадирнинг хизмати каттадир. Ҳозир унинг кўксида Меҳнат Қизил Байроқ ордени ярқираб турибди. Коммунист С. Матёқубов бу йил яна ташаббус кўрсатиб, қийин соҳага борди, ҳозир у полизчилик ва сабзавотчилик бригадасига бошчилик қилмоқда.

Коммунистлар меҳнатда, ўқишда ва турмушда ибрат бўлишга, ҳамма ерда ва ҳамиша коммунистик ахлоқ принципларига риоя қилиш намуналарини кўрсатишга даъват этилганлар. Коммунистларнинг катта кўпчилиги бу соҳада ўз бурчларини оқлаяпти.

Қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий ва ғоявий-тарбиявий иш олиб боришда 62 агитатор, 32 сиёсий ташкилотчи, «Билим» жамиятининг 22 аъзоси партия ташкилотининг актив таянчи ҳисобланади. Агитаторлардан Х. Болтаев, У. Олимова ва С. Каримова коммунистик жамият қуриш учун курашнинг фаол қатнашчиларини тарбиялаш, қишлоқ меҳнаткашлари онгига коммунистик ахлоқ нормаларини сингдириш соҳасида самарали иш олиб бормоқдалар.

«Билим» жамияти аъзолари, штатсиз лекторлар, педагоглар, меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари Совет турмуш тарзи, замондошларимиз фазилати тўғрисида мароқли суҳбатлар билан чиқмоқдалар. Тематик кечалар ва учрашувлар ёшларни Ватанга муҳаббат, Коммунистик партияга садоқат, халқлар дўстлиги ва интернационализм руҳида тарбиялашда катта роль ўйнамоқда. Радиоузел орқали, клуб ва шийпонларда ахлоқ мавзуида қизиқарли суҳбатлар тез-тез уюштирилаётир.

Янгича урф-одатлар ва анъаналар турмушга чуқур сингиб бормоқда. Йигитларни Совет Армияси сафига узатиш, паспорт топириш, кексаларни пенсияга узатиш, никоҳ тўйларни каби маросимлар мазмунли, тайтанавор ўтаётир.

Кишиларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишимизнинг самарадорлиги одамларнинг юксак маънавий қиёфасида, кундалик меҳнатида, ўзаро муносабатларида яққол намоён бўлмоқда. Ишга ярқли 860 колхозчининг ҳаммаси жамоат меҳнатида фаол қатнашади. Колхозда «Ҳурмат китоби» таъсис этилиб, унга 35 киши ёзилди. Илғорларни рағбатлантиришда иш кўрсаткичи билан бирга уларнинг хулқ-атвори ҳам ҳисобга олинади. Ленин ордени кавалерлари Р. Оллаёрова, Т. Ражабова, область Совети депутати М. Дўсмаматова каби меҳнатда донгдор, ғўзал фазилатли кишиларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ш. РУЗМЕТОВ,
Гурлан районидаги «Ленинизм» колхози партия комитетининг секретари.

КОММУНИСТЛАР ЎЗ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖАНГОВАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК

Москва Кремлининг Съездлар саройида ўтган ҳаяжонли кунлар ҳали дилларимизни тўлқинлантириб келмоқда. Партия съездида коммунистик қурилиш жабҳасидаги муваффақиятларимиз, мамлакатимиз тараққиётининг истиқбол режалари юксак талабчанлик руҳида ишчанлик билан муҳокама қилинди. Бошланғич партия ташкилотимиз бугун шу руҳ таъсири билан яшамоқда. Хотиржамлик ва расмиятчилик, сансалорлик ва ўзи бўларчилик партия ҳаётига мутлақо ёт нарсалар бўлиб қолди. Самарқанд шаҳрининг якинида кад ростлаётган суперфосфат заводи қурилишида меҳнат қилаётган барча коммунистлар якдил, ҳамнафас бўлиб, съезд қарорларини бажаришда ибрат кўрсатмоқдалар.

Съездан кейин ўтган даврда бошланғич ташкилотимиз ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кадрларга чуқур ҳурмат муҳити қарор топди. Уларнинг ишига ишонч ва эътибор кучайди. Лекин бу талабчанлик бўшашди, деган гап эмас. Асло. Бошланғич партия ташкилотимизда ишонч ва ҳурмат партиявий принципиаллик ва юксак талабчанлик билан қўшиб олиб борилмоқда. Бу нарса кадрларда ўз ишига масъулият билан ёндашиш туйғусини кучайтираётир. Ташаббускорликни бўлдқдек жўш урдириб юбораётир. Биргина мисол: хўжалик хом ашё омбори қурилиши кечикиб кетди. Шунда партия ташкилоти коммунистларга мурожаат этди. Улар комплекс бригадага уюшиб, ишни график асосида уч смена ташкил этдилар. Натижада химия гигантимиздаги бу муҳим объект қисқа муддатда битказилди.

Коммунистлар ташаббускорлиги ва ибратининг ёркин тимсоли бўлган бундай мисоллари кўплаб келтириш мумкин. Партия съездининг руҳи билан яшаётган бошланғич ташкилотимиз бу ташаббускорлик ва ижодкорликни авж олдириш чораларини кўрмоқдалар.

Б. ЖУМАҚУЛОВ,
Самарқанд суперфосфат заводи қурувчиси, КПСС XXV съезди делегати.

ҲАЁТБАХШ КУЧ

Йиғилиш давом этмоқда эди. Раислик қилувчи ёш коммунист Ҳайриниса Бўронбоевага сўз берилишини эълон қилди.

—Район марказида ўн олти квартирали уй қурилишида пардозлаш ишларини тугатяпмиз, — деди у. — Бригадамиз аъзолари пардоз ишларини сифатли бажариш ҳаракатида бўлишяпти. Афсуски, бу ишни кечиктириб юборяётган, турар жойларни фойдаланишга топиришни орқага сўраётган камчиликлар йўқ эмас. Сувоқ асбоблари етишмайди. Боз устига кўпинча қоришмани жуда кечиктириб келтиришади. Унинг сифати йўлдаёқ бузилади. Бетон узели кўнгилдагидек ишламаётир, ўртоқлар Унинг бошлиғи Етмиш ака Нурбоев бетон узелида ишни график асосида ташкил этолмаётир. Қурилиш бригадаларининг эҳтиёжи тўла ҳисобга олинмаётир.

Ёш коммунист Ҳайриниса Бўрбонбоева сўзини давом эттириб, автотранспорт хизматидаги камчиликларни ҳам аёвсиз танқид қилди. У дадил-дадил гапирар, нуқсонларга йўл қўяётган раҳбарларнинг номларини бурро-бурро тилга оларди. Коммунистлар унинг рўй-рост танқидини марок билан тинглашар, уни қувватлашаётгани шундоққина сезилиб турарди. Йиғилишдан кейин кўп ўтмай қурилиш участкаларида ишлар режага тушди.

Бошланғич ташкилотимиз ҳисобида 25 коммунист бор. Қўрининг турибдики, ташкилотимиз кичик. Қурилиш объектлари районининг турли қишлоқларига ёйилиб кетганлигини ҳисобга олсак, бу қуч ҳам бўлинганлигини кўрамиз. Лекин партия бюроси коммунистларнинг иродасини жипслаштиришга, коллектив олдида турган вазифаларни бажаришда уларнинг авангардлигини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Коллективимиз, унинг ҳар бир аъзоси фаолиятининг ҳамма томонларига объектив баҳо беришда танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ҳаётбахш кучидан оқилона фойдаланишга интилмоқдамиз. КПСС Марказий Комитетининг «Тамбов область партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи тўғрисидаги қарорида таъкидланганидек, вазифаларимизнинг мураккаблиги ва миқёслари орта боргани сари ишимизга танқидий ёндашиш катта аҳамиятга эга бўлиб бораётир. Партия йиғилишларида танқид ҳаққоний бўлишига, самимий ва дўстона руҳда айтилишига, хатолар ва нуқсонларни тузатиш учун амалий таклифлар киритилишига эришмоқдамиз.

Н. УСМОНАЛИЕВА,
Зомин район кўчма механизациялашган колоннаси сувоқчиси.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Истиқболни кўзлаб узоқ муддатларга мўлжалланган аниқ режалар белгилаш, уларни амалга ошириш учун собитқадам меҳнат қилиш Ленин партиясига хос фазилатдир. КПСС XXV съезднинг иши, съезд қабул қилган қарорларни бажариш юзасидан бутун партия амалга ошираётган тадбирлар фикримизнинг далилидир.

Шаҳримиз бошланғич партия ташкилотлари, барча коммунистлар партия съездининг илҳомбахш ғояларини рўёбга чиқариш, ўнинчи беш йиллиги сифат ва самарадорлик беш йиллигига айлантириш учун курашмоқдалар. Бу соҳада пахта заводи партия ташкилоти ибратли иш олиб бораётир. Бу ерда коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик роли беқиёс. Йиғилишларда актуал проблемалар дадил кўтариб чиқилмоқда. Чунончи, коммунистлардан А. Мўминов, Н. Розиқов, Т. Тоштемиров ўртоқлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, техника тараққиётини жадаллаштириш асосида сифат ва самарадорликни оширишга эришиш юзасидан амалий таклифлар билдиришди. Уларнинг мулоҳазалари асосида социалистик мусобақани ташкил этиш, илғорларни рағбатлантириш чоралари кўрилди.

Шаҳар партия комитети бошланғич ташкилотлар жанговарлигини ошириб, активни кабул қилинган қарорларни оғишмай бажариш руҳида тарбиямамоқда. Яқинда 17-автобаза партия ташкилотининг ёш коммунистлар билан ишлаш соҳасидаги ҳисоботи эшитилди. Раҳбар партия органларининг қарорлари умумий овқатланиш трести партия ташкилотида қандай бажарилаётганлигига доир масалани муҳокама қилиб, шаҳар партия комитетининг бюроси бошланғич ташкилотлар эътиборини белгиланган режаларни бажаришда изчил, принципиал бўлишга қаратди.

Шаҳримизда 263 бошланғич ташкилот иш олиб бормоқда. Уларга 5 мингдан ортиқ коммунист бирлашган. Бу — катта бунёдкор кучдир. Уни коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишга, КПСС XXV съезди белгилаб берган режаларни рўёбга чиқаришга сафарбар этиш шаҳар партия комитетининг муҳим вазифасига айланди.

К. ТУРДИЕВ.
«Ўзэлектротерм» бирлашмасининг Наманган шаҳридаги бош корхонаси ишчиси, шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси.

СЕКРЕТАРЬ ҚАБУЛХОНАСИДА

Андижон шаҳар партия комитетига келганимизда биринчи секретарининг қабулхонасида беш-олти киши ўтирарди. Қабул эндигина бошланганди.

— Март ойида, — дейди секретарь қабулига келган қурт уруғи заводининг ишчиси С. Кокиева, — заводимизда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ҳамидов меҳнаткашлар вакилларини қабул қилди. Қабулда бюро аъзолари, шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг бўлим мудирлари ҳам қатнашишди.

Ўшанда мен квартира беришларини сўраган эдим. Бу масалани ҳал қилиш шаҳар ижроия комитетига топширилганди. Орадан икки ой вақт ўтди. Мен яхши квартирага эга бўлдим. Мана энди миннатдорчилик билдиргани келдим...

Қабул тугагач, биринчи секретарь олдига кирдим. У бир неча кишининг арзини тинглаб, уларни қаноатлантирибди. Секретарь меҳнаткашларнинг аризаларга кўпроқ ижтимоий, халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади.

— КПСС XXV съездида, — дейди ўртоқ И. Ҳамидов, — партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашда меҳнаткашларни қабул қилиш ҳам муҳим роль ўйнайди деб таъкидланди. Биз ана шу йўлдан борямиз. Меҳнаткашларни қабул қилишнинг турли формаларидан фойдаланямиз. Корхоналарда, маҳаллаларда қабул ўтказишни йўлга қўйдик. Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини ўрганиш перспектив планларни тузишда қўл келмоқда.

Х. ҚУРОНБОЕВ.

ХЎЖАЛИККА РАҲБАРЛИК

ТАШАББУСНИНГ ТУҒИЛИШИ

КПСС XXV съезди ўз ишини якунлагандан буён ўтган дастлабки ойлар партия ташкилотлари ҳаётида ўчмас из қолдирди, уларнинг ташкилий-сиёсий ва оммавий-тарбиявий фаолиятини янги тажрибалар билан бойитди. Хўжаликка раҳбарликнинг усул ва услублари янада такомиллашишига олиб келди. «Совет Ўзбекистони» мухбири Ж. Саъдуллаев Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. И. Рибалкодан хўжаликка раҳбарликнинг айрим қирралари хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.

В. Рибалко: — Партия съезди ўз ишини якунлагач, орадан кўп ўтмай ишлаб чиқариш нормаларини ошдалай олмаётган ишчилар, қурувчиларни шаҳар партия комитетига таклиф қилдик. Бу учрашув-кенгашда хўжалик раҳбарлари, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақа ташаббускорлари ҳам иштирок этишди. Ошкора, самимий суҳбат чоғида ишлаб чиқариш илғорлари ўз тажрибаларини сўзлаб беришди. Меҳнатни ташкил этиш ва таъминот ишидаги нуқсонлар росмана тилга олинди. Қолоқлар ҳам сўзга чиқишди. Аксарияти ёшлар эди. Уларнинг сўзларидан мураббийлик ҳаракатини кучайтириш, ёш ишчиларнинг касбкор маҳоратини ошириш кераклиги яққол сезиларди. «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» шиори остида бошланган ҳаракат уларга ҳам янги руҳ бахш этганди. Йиғилишдаги ошкора суҳбат ишдаги камчиликлар, ҳал қилинмаган проблемалар рўй-рост тилга олинганлиги колокларнинг қалб торини чертиб ўтгани сезилиб турарди.

Мухбир: — Аслини олганда, янгийўлликлар ташаббуси шу кўклам кезлари даб-дурустдан бошланган ҳаракат эмас. У шаҳар партия комитети сўнгги йилларда олиб борган жуда катта ташкилий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг гултожи бўлди. Шундай эмасми, Василий Иванович?

В. Рибалко: — Шундай дейиш мумкин. Айрим кишилар номинигина илғорлар сифатида тилга олиб, уларнинг «яккахон» рекордларидан фахрланиб юрган вақтларимиз ҳали ёдимизда. Биз партия ташкилотларининг эътиборини «якка машъаллар» билан ишлашга кўп ҳам берилавермаслик масаласига жиддий қаратган кезларимиз ҳам бўлган. Бригадалар, участкаларда ишчилар билан тарбиявий ишни кучайтирганмиз ўша кезлари. Бунда иқтисодий ўқувларнинг самараси катта бўлди. Бора-бора одамлар экономика масалалари билан чуқур шуғулланадиган бўлиб қолдилар. «Сарф-харажат», «таннарх», «рентабеллик», «соф фойда» тушунчалари уларни тежамли, унумли, самарали ишлашга даъват этарди.

Хўжаликка оператив раҳбарликни ҳам такомиллаштирдик. Олдинига нари борса квартал натижаларини қараб чиқардик. Кейинроқ ойлик ишлаб чиқариш якунларини чуқур таҳлил қиладиган бўлиб қолдик. Кўп ўтмай бу ҳам кифоя қилмай қўйди. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсганлиги, фан-техника тараққиёти суръатлари жадаллашганлиги ишлаб чиқариш жараёнларига оператив раҳбарликни тақозо этарди. Шунинг учун ўн кунлик якунларини қиёслаб, ҳар томонлама таҳлил қилишни белгилаб қўйдик. Бу яхши натижалар берди. Бугун шу нарса аёнки, ўн кунлик якун ҳам ўсиб бораётган талабни қаноатлантирмай қолди. Биз энди ишлаб чиқариш якунларини ҳар куни қараб чиқмоқдамиз. Бу саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ишига оператив таъсир кўрсатиш имконини бераётир. Технологик жараёнларни изчил кузатиб борадиган, бирон участкада оқсаш сезилдими, дарҳол чора кўрадиган бўлиб қолдик.

Мухбир шарҳи: — «Ишга қанча одам қабул қилинди?», «Неча киши ишдан бўшади?», «Бунинг сабаблари нимада?», «Техниминимум курслари ишлаяптими?», «Неча киши разрядини оширди?». Ўн кунлик ишлаб чиқариш якунларининг таҳлили чоғида шу сингари саволлари эшитиш корхона раҳбарларини ажаблантирмайди. Аввало бундай йиғилишларда «икир-чикир» масалалар бўлмайди. Ҳамма масала муҳим ҳисобланади. Иш жойини ташкил этишдан бошлаб кўргазмали агитациягача, ишчи ошхонасидан тортиб ўй-жой масаласигача ҳамма-ҳаммаси тилга олинади.

Дарҳақиқат, қолоқларсиз ишлаш ташаббуси теран илдизлардан озиқ олади. Шаҳар партия ташкилотлари ташкил этган социалистик интизом мактаблари шундай илдизлардан биридир. Бу мактаблар ишчилар, қурувчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Сўнгра технологик интизомни мустаҳкамланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг меҳнаткашларни юксак интизом ва меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш соҳасидаги кўрсатмаларини бажара бориб, шаҳарком узоқ муддатли тадбирлар белгилади. Унда партиявий ишнинг усул ва услубларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда бошланғич партия ташкилотларининг ролини кучайтириш, коммунистларнинг авангардлигини янада ошириш кўзда тутилган эди.

Шуни айтиш керакки, шаҳар партия комитети бу соҳада изчил иш олиб борди. Бюхимия, ғишт, «Нормал» заводлари, 107-автобаза ва Янгийўл қурилиш-монтаж бошқармаси бошланғич партия ташкилотларининг социалистик интизомни мустаҳкамлаш ва меҳнаткашларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишлари шаҳар партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Бошланғич ташкилотлар ҳар бир коммунист меҳнатда ўрнак кўрсатиши, ўзининг касб-кор маҳорати ва махсус тайёргарлиги муттасил ошириши, ҳамиша, ҳамма ерда бошқаларга ибрат бўлишига эриша бордилар. Беш мингга яқин ишчи-хизматчи иқтисодий умумтаълим системасида таҳсил кўрди. Натижада ишчи минутларининг қадри ошди. Тежамкорлик кучайди. Нормани бажармайдиганлар қисқа муддатда 20 процент камайди.

Иқтисодий билимларни ўрганиш оммавий тус олиб, машғулотлар савияси чуқурлашди. Иқтисодий умумтаълим мактаблари тармоғи кенгайди. Экономика асослари халқ университетларида, лекторийларда пухта ўрганила бошланвани ҳамма танийди. Унинг бригадасида қолоқлар йўқ. Ҳамма иш нормасини сифатли бажаради. Бригада бу йилги планни 9 ойда бажариш мажбуриятини олган. Коллектив йил охиригача 146 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Бундай бригадаларимиз ози эмас. Кўрининг турибдики, Янгийўл коммунистлари собитқадамдирлар.

Мухбир: — Шаҳар саноатининг ривожланиш истиқболлари қандай?

В. Рибалко: — Шуни айтиш керакки, сўнгги йилларда Янгийўлда бironта ҳам янги корхона ёки цех қурилгани йўқ. Лекин маҳсулот ҳажми ҳам ошмоқда, унинг сифати ҳам муттасил яхшиланмоқда. Ялпи маҳсулот ўсишининг 98 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришмоқдамиз. Бунда техника тараққиёти муҳим роль ўйнамоқда. Кўпгина цехлар, ишлаб чиқариш участкалари реконструкция қилинди. Шу туфайли маҳсулот ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтирмоқдамиз. Шаҳримиз меҳнаткашлари бу йил планни 18 декабргача бажариш, қўшимча равишда 9,3 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олганлар. Бу йил тўққиз маҳсулот давлат Сифат белгиси олишга тайёрланади. Янгидан 110 хил маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Шаҳар саноати маҳсулоти реконструкциялаш туфайли 25 процент ошмоқда. Фақат ёғ-мой комбинатидагина айрим цехларни қайта қуриш маҳсулот ишлаб чиқаришни 620 тоннадан 800 тоннага кўпайтириш имконини берди.

Шаҳримизда муҳим ватанпарварлик ташаббуси туғилди. У қанот ёйиб, республикага кенг тарқалди. Янги ишдошлар орттирди. Лекин шаҳримиз коммунистлари шу билан кифояланиб қолаётгани йўқ. Партия ташкилотлари ҳамоя изланишда. Биз меҳнат коллективларининг куч-ғайратини янги, янада мураккаброк муаммоларни ечишга отлантирмоқдамиз. Фан-техника тараққиёти имкониятларидан фойдаланиб, истиқболли режалар белгиламоқдамиз. Шу кунларда янги катта ҳаракат тараддудидамиз. Шаҳар партия комитети техника ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган комплекс планини ишлаб чиқишга киришди. Мақсад аниқлиги, изланишдаги изчиллик бизни янги марраларга етакламоқда.

В. Рибалко: — Шу тариқа хўжалик, сиёсий ва тарбиявий иш бирлиги таъминланди. Бошланғич партия ташкилотларида сифат кунлари, қолоқлар билан суҳбат ўтказиш анъана бўлиб қолди. Ҳали айтилганидек, ана шу кўп қиррали ишимизнинг гултожи сифатида съезд арафасида янги ватанпарварлик ҳаракати туғилди. Уни пойафзал фабрикасининг ишчиси Арзи Икматова, биохимия заводининг оператори Геннадий Хоменко, ёғ-мой комбинатининг аппаратчиси, КПСС XXV съезди делегати Алла Панина, пахта тозалаш заводи мастери Абдуғани Абдувалиевлар бошлаб беришди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» ватанпарварлик ҳаракати бугун республикада кенг қулоч ёйган экан, бу шаҳримиз партия ташкилотлари, барча коммунистлар зиммасидаги масъулиятни чексиз оширади. Шу ўринда биргина мисолни келтирмоқчиман. Кондитер — ачитқи бирлашмасида ёш коммунист М. Маҳмудова борса квартал натижаларини қараб чиқардик. Кейинроқ ойлик ишлаб чиқариш якунларини чуқур таҳлил қиладиган бўлиб қолдик. Кўп ўтмай бу ҳам кифоя қилмай қўйди. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсганлиги, фан-техника тараққиёти суръатлари жадаллашганлиги ишлаб чиқариш жараёнларига оператив раҳбарликни тақозо этарди. Шунинг учун ўн кунлик якунларини қиёслаб, ҳар томонлама таҳлил қилишни белгилаб қўйдик. Бу яхши натижалар берди. Бугун шу нарса аёнки, ўн кунлик якун ҳам ўсиб бораётган талабни қаноатлантирмай қолди. Биз энди ишлаб чиқариш якунларини ҳар куни қараб чиқмоқдамиз. Бу саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ишига оператив таъсир кўрсатиш имконини бераётир. Технологик жараёнларни изчил кузатиб борадиган, бирон участкада оқсаш сезилдими, дарҳол чора кўрадиган бўлиб қолдик.

МЕХАНИЗАТОР—МЎЛ ҲОСИЛ БУНЁДКОРИ

Матбуот саҳифаларидан боёвутлик донгдор пахтакор Абдусамад Саидмуродовнинг республикамизнинг барча механизаторларига қарата ёзган хатини ўқиб чиқдик. Мактубда шу кеча-кундузда бизнинг ўй-ҳаёлимизни банд этган, кун тартибида турган масалалар баён этилибди.

Ўз колхози ва бригадасинигина эмас, балки район ва областининг ҳам пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик экинларидан мўл-кўл ҳосил етиштириши ҳақида бош қотириш ҳар бир механизаторнинг, сувчининг, ҳар бир меҳнаткашнинг муқаддас бурчи бўлиб қолган. Бу ўринда, дала гвардиячилари деб ҳақли суратда ном олган механизаторларимиз, ҳосил тақдирини ҳал этувчи сувчиларимиз ўз зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан адо этмоқдалар.

Деҳқон учун, хусусан, пахтакор учун бекорчи фасл йўқ. Колхозимиз аъзолари ўтган йилнинг декабрибаноқ янги беш йилликнинг биринчи йили мўл ҳосили учун пухта замин яратишга астойдил киришдилар. 1273 гектар ерга чигитни энг қулай агротехника муддатида экиб олишга эришдик. Об-ҳаво ноқулайликларига қарамай, кўчатларни текис ундириб олишга муваффақ бўлдик. Илғорлар тажрибасига, янги агротехника тавсияларига амал қилиб ҳар гектар майдонда 140—145 минг тупдан кўчат ҳосил қилдик.

Шу кеча-кундузда далаларимизда 30 чопиқ трактори тўла қувват билан ишламоқда, 6 та ОДН қаерда ҳашарот пайдо бўла бошлаган бўлса, уларга қирон келтирмоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, механизатор мўл ҳосил бунёдкори ҳам, ҳосил посбони ҳам. Хўжалигимизда номлари колхозимиздагина эмас, балки областда ҳам тилга тушган ўнлаб ажойиб дала гвардиячилари бор. Бу йил колхозимиз бўйича гектаридан пландаги 31 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олган эканмиз, бунинг масъулияти аввало дала гвардиячилари зиммасига тушишини яхши ҳис этамиз. Бинобарин, механизаторларимиз бу вазифаларнинг уддасидан чиқиб келишмоқда, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда байроқдорлик қилишмоқда.

Беш йилликнинг биринчи йили бизнинг хўжалигимизда ҳам 45—50 центнерчилик ҳаракати авж олган йил бўлди. Аксари бригадаларимиз гектаридан 50 центнердан кам ҳосил олмаймиз, деб майдонга чиқдилар. Тажрибали пахтакор Қ. Асқаров бошлиқ биринчи бригада пахтакорлари ана шундай ташаббускорлар жумласига киради. Бригада коллективининг нияти гектаридан пландаги 37 центнер ўрнига 50 центнердан хирмон кўтаришдир. 70 гектар майдоннинг ҳаммасида ғўза ғоят серҳосил бўлиб ривожланмоқда, ҳад-ҳисобсиз гул ва шоналар, дастлабки кўсаклар мўл ҳосилдан хабар беради.

Атоқли пахтакор Абдусамад Саидмуродов ўз хатида, жумладан, ғўзани қондириб суғоришга ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Сув чиндан ҳам ғўзанинг қонидир. Бизнинг шароитимизда сув тахчиллиги сезилиб турибди. Шу боисдан ҳам ҳар томчи сувдан ғоят авайлаб, ўрнида фойдаланишнинг чорасини кўряпмиз. Шу кеча-кундузда далаларимизда 100 дан зиёд сувчи ишламоқда. Биз сувчиликни барқарор касбга айлантириш тадбирларини кўрганмиз. Энг ёш ҳисобланган сувчимиз камида 6—7 йил, қолганлари эса 25—35 йиллик стажга эга бўлган кишилардир. Уларнинг бир бригадада, маълум далаларда узоқ йиллар муқим ишлашидан манфаатдормиз. Шундай қилинса, улар ўша бригадалар ерларининг «тили»ни, «феъли»ни яхши биладилар, шунга қараб эффектли суғоришга интиладилар.

Уртоқ С. Қаюмов бошлиқ эллик центнерчи бригада сувчиси Мадамин Юнусов оби-ҳаёт тараш санъатини мукаммал эгаллаган, неча ўнлаб маҳоратли сувчиларга тажриба ўргатган миришкорлардандир. У 30 йилдан бери бир бригадада ишлайди. Тадбиркор, ўз ишининг устаси бўлмиш бу сувчи хизмат қилаётган бригада пахтазорлари кўчатларнинг тўлалиги, ғўзалар баравж ва серҳосиллиги билан ҳам алоҳида кўзга ташланиб туради. Бунинг сабаби маълум, миришкор деҳқон ғўзани юксак сифат билан суғоради қайси картага қандай муомала қилишни биладди. У шогирдларига ҳам худди шундай қилишни маслаҳат беради.

Органик ўғитлар ҳосилдорликни оширишда нечоғли наф келтиришини ўз тажрибамизда кўриб кедяпмиз. Шунинг учун ҳам ғўзаларни органик ўғитлар билан озиқлантиришни доимий тадбир деб биламиз. 23 прицеп пахтазорларга узлуксиз маҳаллий ўғит ташиш учун биркитиб қўйилган. Шунингдек, бир неча транспорт воситаси далаларга аммиак ташиб келтирмоқда.

Янги беш йилликнинг биринчи йилида она-Ватанга 5 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш колхозимиз аҳли коллективининг қатъий аҳду паймонидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Мирзачўл районидаги Абай номли совхозининг Р. Ҳайдаров бошлиқ бригадаси коллективига йўллаган хати ва ундаги самимий сўзлар бизнинг хўжалигимиз меҳнат аҳлини ҳам тўлқинлантириб юборди. Колхозимиз деҳқонлари мирзачўллик ҳамкасблари шаънига айтилган илҳомбахш сўзларни ўзларининг шаънига айтилган гап деб билмоқдалар.

Пировардида шуни айтиб ўтиш керакки, ана шу салмоқли вазифаларни амалга ошириш учун колхозчиларга яхши шарт-шароитлар яратиб бериш лозим. Биз бунга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. 23 та бригадада 23 та типовой намунали шийпон бор, колхозчилар ҳамда уларнинг шийпон ҳузуридаги кўчма боғчаларда тарбияланувчи болалари учун иссиқ овқат тайёрланади. Шийпонларда радиоприёмник, телевизор, холодильниклар ишлаб турибди. Юздан ортиқроқ агитаторлар, снёсий ахборотчилар деҳқонларимизни мамлакатимиз ҳамда планета янгиликларидан хабардор қилиб туришади. Турли мавзуларда суҳбатлар ўтказишади.

Бу йил мамлакат биз пахтакорлардан кўп ва сифатли қимматбаҳо хом ашё кутмоқда. Бу шарафли вазифани адо этишга бизнинг хўжалигимиз деҳқонлари ҳам доимо камарбастадирлар.

Абдулҳамид ЭГАМБЕРДИЕВ,
Фарғона область, Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» колхозининг раиси.

Яккабоғ районидаги «Партия XXIV съезди колхозининг Самад Дўстёров бошлиқ ғаллачилик бригадаси областнинг давлатга бошоқли дон экинлари сотиш юзасидан берилган топшириқни муддатидан илгари бажаришига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ҳар гектар ердан 11 центнердан бугдой ва арпа ҳосили олган бригадада ҳамон иш қизғин. Олтин бошоқ ижодкорлари қолган ҳосилни ҳам сира нечиктирмай йиғиб олиш, келгуси йилга етарли уруғлик фонди, чорвага мўл-кўл озуқа ва somon жамғариш учун фидокорона меҳнат қиямоқдалар. **СУРАТДА:** (ўнгдан) бригада бошлиғи С. Дўстёров ва илғор комбайнчи Р. Раҳимов ғаллазорда.

А. Элмирзаев фотоси.

РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Хива районидаги «Партия XXII съезди»колхозининг Қурбонбой Йўлдошев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари йилдан йилга пахта ҳосилдорлигини ошириб боришяпти. Бу йил улар мавжуд 98 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун қизғин кураш олиб боришмоқда. Бригада далаларида ғўзаларга иккинчи марта сув, учинчи ишлов берилянти. Суратда: бригада далаларида ғўзага сув тараш пайти.

К. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК ВА ЖАСОРАТ МАДҲИ

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

Ромитан районида чиқадиган «Коммунистик мўл-кўлчилик учун» газетасининг бир саҳифаси шанба кунлари рус тилида чоп этилмоқда. Бу саҳифаларда Газли қурувчилари ва оловкорларининг жасоратли меҳнати ҳақида ҳикоя қилиб берилаётир. Сўнгги саҳифалардан бирида газетхонлар «Газли қурилишларида», «Дўстлик қудрати», «Мамлакат — Газлига», «Газли — мамлакатга» сарлавҳали қатор материалларни ўқишди. Шу саҳифаларда «Газлидан хат» рубрикаси остида ўқимишли материаллар эълон қилиняпти.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ҳамда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Бухоро областида рўй берган табиий офат оқибатларини тугатиш бўйича муҳим тадбирларни белгилаб қарор қабул қилганларидан буён бу ерда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Шу кунларда Газли, Бухоро ва бошқа шаҳар-қишлоқларда зилзиладан шикастланган биноларни ремонт қилиш ва қайта тиклаш қизғин тус олиб кетди. Ҳозир Газлида 30 дан ортиқ миллат ва элат фарзандлари ягона мақсад — социалистик посёлкани икки йилдаёқ тўла тиклаш йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Газетанинг ҳар шанба куни рус тилида чиқарилаётган махсус саҳифаларида ана шу дўстона ёрдам ва оммавий жасорат ҳақида муттасил ҳикоя қилиб берилмоқда.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Бўстонлиқ райони ғаллакорлари тоғ ёнбағирларидаги лалмикор майдонларга кузги ва баҳорги буғдой-арпа экканэди.

Бу йилги об-ҳавонинг анча серёғин келиши туфайли лалмикор ерларда ғалладан мўл ҳосил етиштириб, ўримга уюшқоқлик билан киришилди.

Райондаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози далаларида ўрим-йиғим суръати кун сайин оширилянти. 131 гектар арпа, 608 гектар буғдойзорларда ҳосилнинг асосий қисми ўриб янчиб олинди. Деҳқон Мусаев, Мавлон Абдурасулов, Мирза Раҳимов каби ғайратли комбайнчилар ҳар куни 13-14 гектар ернинг ғалласини ўришмоқда. Ҳозиргача давлатга 391,4 тонна ғалла топширилиб, план ошириб адо этилди. Ҳар гектар лалмикор ердан 25 центнердан арпа, 23 центнердан буғдой ҳосили йиғиб олинмоқда. Бу, лалмикор ерларда рекорд кўрсаткич ҳисобланади.

Шунингдек, райондаги Жданов номли колхоз ғаллакорлари ҳам ҳосилни жадал ўриб-йиғиб олиш учун курашмоқдалар. Ғаллазорларда 6 та комбайн унумли ишлаётир. Кунига 50-55 гектар майдондаги ғалла ўрилмоқда.

Ўрдабек Қулбоев, Қувват Бойтурғунов, Анорбой Сафаров сингари комбайнчилар ҳар куни 13-15 гектардан ғалла ўрмоқдалар. Бу хўжаликда ҳам ҳар гектар лалмикор ердан 16,5-17 центнердан хирмон кўтарилмоқда. Район хўжаликларига Юқори Чирчиқ, Оржоникидзе, Калинин районларидан 14 та комбайнчи ёрдамга келишди. Улар ўрим-йиғим суръатини кун сайин оширмоқдалар. Район ғаллакорлари шу кунларда социалистик мажбурият ҳисобига дон топширмоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

Совет Ўзб 1976 16 июль

ЙИЛЛАР ЎТИБ КЕТАР...

ТАҚРИЗ

Танқидчи И. Ғафуровнинг янги китоби — «Ўртоқ шоир» Мақсуд Шайхзода ҳақида!

Бу забардаст шоир, улкан драматург, етук олим ва ажойиб адабий ташвиқотчи ҳақида адабиётимизда салкам ярим асрдан буён таҳлилий асарлар ёзилиб келинади. Зеро, Иброҳим Ғафуров ҳам Шайхзода ижоди ҳақида қалам тебратган Азизхон Қаюмов, Ҳомил Ёқубов, Озод Шарафуддинов, Тўхтасин Жалолов ва бошқа адабиётшунослар номини китобга кириш сўзида тилга олиб, уларнинг «асарлари ҳам Шайхзода ижодини ўрганишда қимматли манба бўлиб ҳисобланади» дейди. И. Ғафуров ўзининг китобда олдига қўйган мақсадини қуйидагича тушунтиради: «Биз ўз ишимизда шоир ижодиётининг ҳали ўрганилмаган ва кам ўрганилган жиҳатларини текширишга, кўпроқ унинг маҳоратини очишга, шеърда қўллаган ранг-баранг тасвирий воситалари, ўзбек шеърига олиб кирган янгиликларини кўрсатишга, айни чоғда ижодининг бошқа ғоявий-бадиий йўналишини назардан қочирмасликка интилдик».

Гапнинг бўларини айтсак, китобни диққат билан ўқиб чиққан киши танқидчи таҳлил қилган шеърлар, драматик асарлар, шоир маҳорати сирлари тўғрисида айтилган гаплар ва чиқарилган хулосаларни кўриб, муаллиф гарданига олган катта вазифанинг уддасидан чиқибди, деса керак.

Мен ўзим бу нарсага тан бердим. Энди мурод китобнинг ўзимга энг кўп ёққан баъзи нуқталарини ҳурматли газетхон билан баҳам кўришдир.

Асарнинг «Нотиқлик шеъриятининг хусусиятлари» бобида кўпгина адабий масалалар ҳақида гап боргач, мунаккид шоирнинг «Бир чоғлар...» деб аталган шеъри устида тўхталади.

Шеър, хотирангизда бўлса, бир сандиққа қамалиб қолган ҳаво ҳақида. Ҳа, ҳаво ҳақида! Иброҳимжон ҳам шеър таҳлилини бошлар экан, ҳақли равишда «ёпиқ сандиқда қолган «банди» ҳаво ҳақида бош қотириш кимнинг ҳаёлига келибди», дея ҳайратланади.

Шеър таҳлили бошланади. Биз шоирнинг сатрларини ўқиш билан бирга бу сатрлар тўғрисида танқидчи билдираётган фикрларни ҳам кузата борамиз. Кутилмаганда, шеърнинг ғалати бир банди келтирилади:

Ҳолбуки бир чоғлар эркин парвозда
Елга шерик бўлиб ўйнаб югурган,
Қуюннинг бўлаги, улкан миқёсда —
Бепоён чўлларда қумлар совурган.

Бу тўртлик менга бирдан таъсир қилди. «Гап нима ҳақидайди?» деб ўйладим. Ҳа, сандиққа биқиниб қолган ҳаво ҳақида эди.

Танқидчи давом этади: «Шоир бу мантиқий боғланишда бошқа ўхшаш ҳодисаларни ҳам эслайди. Чунончи, у «тиниб қолган бир коса сувда селларнинг, сойларнинг афсонаси»ни, «кўнгиб, хира бўлган синик кўзгуда хушрўйлар ҳуснининг вайронаси бор»лигини ва ниҳоят, «бугунги сукутда» «кечаги тўйларнинг таронаси» мавжудлигини айтади.

Ниҳоят, мана бундай хулоса чиқарилади:

«Сандиқ ичра қолган кечаги ҳаво ҳақидаги гап оламнинг ўзгариб, янгиланиб, қариб-яшариб туриши ҳақидаги шоирона фалсафа билан якунланади. Оламнинг тинимсиз ҳаракатидаги ажиб мутаносибликни очишга калит солинади. Шоир бугунги кун қайтарилмасдир, зотан инсон бугунги кундан қайтарилмас хотира қолдирмоғи даркор демокчи».

Қизиқ. Нега бу шеърни илгари ўқиганимда ўйламаган эканман? — дедим ўзимга-ўзим. — Маъносини чақиб кўрай демабман? Бир қарашда қовушмайроқ, силлик чиқмагандек туюлган мисраларда шунақа хеёл, шундай кенглик, шунча фалсафа бормиди?!

Партбилет ҳақида шеърлар кўп ёзилган. Биз шундай сарлавҳа қўйилган шеърни ўқимасданоқ унда нималар тўғрисида гап бўлишини билишга ўрганиб ҳам қолганмиз.

Мана, Шайхзоданинг «Партбилет» шеъри.

Танқидчи таҳлил қилишга бошлайди: «Бу узун шеър чиройли композицияга қурилган. Аввало, «устоз Маркс қўли билан ёзилган» «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шиорига тўхталади. Бу шиоргаёқ ўз муносабатини билдириш билан кенг умумлашмалар чиқаради. У «дунёйимизнинг шу эски хонадонини ранг-баранг инсон безашини» айтиб, «инсон иркининг оқ ва қора, сариқ ва қизилини эҳтиром» қилиш ҳақида жўшиб дейди:

Фақат, фақат, фақат,
ва фақат —
диққат!
Кўнгли Қора фасодлардан ўзга,
Феъли Сариқ сотқинлардан бошқа,
Қўллари Қизил жаллодлардан ўзга,
Модарқуш Оқ қоқиннлардан бошқа...

бошка ҳаммасини эҳтиром қилиш керак!

Хаёл суриб қоласан, киши: ҳа, шоир тўғри айтган. Бари иркпар бир-бирига тенг. Ҳаммасининг номи бир. Бири иккинчисидан ҳаётнинг биронбир жабҳасида орқада қолган бўлса, бунга мазкур шароит сабабчи. Лекин инсон сифатида фарқи йўқ, бари улуғланишга лойиқ. Фақат, фақат ва фақат... анави «кўнгли қора фасодлардан ўзга»си, «қўли қизил жаллодлардан ўзга»си, «феъли сариқ сотқинлардан», «модарқуш оқ қоқиннлардан бошқа»си!

Шеър узун. Иброҳимжон айтганидек, шеър «тобора кўтарилиб, мисрадан-мисрага фикрнинг ҳаракати ошиб борада».

Танқидчининг оқибатда айтган мана бу хулосаси бизни яна бир карра ўйлашга мажбур этади:

«Унинг ижодини олам нисбатлари ҳақидаги ўйлар дейиш мумкин, бу кишилик тақдири ҳақидаги ўйлардир».

Китобда шоирнинг драматик асарлари ҳақида ҳам анча қимматли таҳлиллар бор. Айниқса, драматургнинг ҳаётдан олинган фактларни образларга едириб юбора олиш санъати ҳақидаги ибратли мулоҳазалар диққатга сазовор. Иброҳим Ғафуров бу борада фикр юритар экан, асарнинг ўзи билан чегараланиб қолмайди, балки Мирхонд, Хондамир, Мироншох ва Абдураззоқ Самарқандий каби тарихчиларга ҳам мурожаат этади.

Китобнинг кўп қисмини шоир шеърияти сирлари баёни, ўзига хос услуби ва унинг шеъриятимизга қўшган янгиликлари ҳақидаги мулоҳазалар, хулосалар ташкил этади.

Китоб Шайхзоданинг «Умр боқий» тўпламига кирган қуйидаги мисралар билан тугайди:

Йиллар ўтиб кетар биздан сўрамай—
Якшанба, душанба, сешанба каби.
Ҳа, йиллар ўтади, замон кетади,
Сен ва мен қоламиз, азиз биродар.
Юрт қолар, эл-улус қолар абадий
Ва биз қувонч ташиб почтальон қадар
Йилларнинг саломин йилларга элтиб,
Борамиз йўллардан йўлларга ўтиб.

Танқидчининг сўнгги гапларига эътибор қилинг: «Умид шулки, элтган саломини авлодлар ҳам қабул киларлар. У шунга қаттиқ иноннганди».

Биз эса, «Ўртоқ шоир» китобини ўқиш асноси бошқа нарсани ҳам — синчков танқидчимиз Иброҳим Ғафуровнинг таҳлил қуввати тағин ҳам ўсгани, мушоҳада кўлами кенгайиб адабиётнинг қонжон масалалари устида бош қотираётганини кузатдик.

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ПОРТУГАЛИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШГА КИРИШДИ

ЛИССАБОН, 14 июль. (ТАСС). Бугун шу ерда ҳокимиятни тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди ва Португалия республикасининг 27 июнда шу юксак лавозимга сайланган янги президенти генерал Антониу Рамалью Эанеш ўз лавозимини адо эта бошлади.

Президент Антониу Рамалью Эанеш Португалия конституциясига содиқ эканлиги тўғрисида қасамёд қилди, конституция қоидаларига риоя қилишга ва унинг мамлакатдаги гражданлар томонидан бажарилишини таъминлашга ваъда берди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **БРАТИСЛАВА.** Бу ерда Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг транспорт масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиясининг мажлиси очилди. Мажлис қатнашчилари Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши XXX сессиясининг қарорлари асосида транспорт воситаларини келгусида модернизация қилиш ва ривожлантириш масалаларини қараб чиқадилар.

● **ВАРШАВА.** Вроцлав шаҳрида экономистларнинг халқаро конференцияси очилди. Бу конференцияда 15 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи, Польша, Чехословакия, Англия, АҚШ вакиллари қатнашмоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг иқтисодий муносабатлар соҳасига доир қарорларини амалга ошириш — конференциянинг асосий мавзуидир.

● **ЛОНДОН.** Лейбористлар партиясининг ички сиёсат масалалари билан шуғулланувчи комитети Англиядаги тўртта йирик клиринг банкини ва мамлакатдаги бир қанча етакчи страхование компанияларини национализация қилиш ҳақидаги таклифни маъқуллади. Бу таклиф партиянинг миллий ижроия комитети муҳокамасига тақдим этилди.

● **САН-ХОСЕ.** Бу ерда Латин Америкаси ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар министрларининг энергетика масаласига бағишланган кенгаши ўз ишини бошлади. Кенгашнинг ишида қитъадаги 20 давлатнинг вакиллари қатнашмоқда.

● **ВЬЕНТЬЯН.** Лаосда халқ ҳокимияти барпо этилгандан буён ўтган олти ой мобайнида уруш вақтида вайрон бўлган ва қаровсиз қолган 373 канал қайта тикланди, бир мингга яқин янги канал қурилди, 200 дан зиёд тўғон ва дамба қурилди. Ана шу ишлар натижасида 18 минг гектар қўриқ ерни суғориш имконияти туғилди. (ТАСС).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БУХАРЕСТ. Бу йил Руминияда гидрографика тармоқларини яхшилаш юзасидан комплекс ишлар бошланди. Бу борада ғаллаётган йирик сув омборлари, каналлар қуриш, дарёларнинг ўзанини чуқурлаштириш ва соҳилларини мустаҳкамлаш устида бормоқда. Ҳозирги вақтда Бузу, Димбовица, Сирет, Яломица, Тирнаве дарёларида сув омборлари қуриш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Олт дарёсида гидроэлектростанциялар ва сув омборлари барпо этилмоқда. Дарё оқимларини тартибга солиш ва соҳиллар бўйида 58 минг гектар ерга кўчат ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Руминияни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг янги беш йиллик плани 1.600 миллион куб метрдан кўпроқ сув сиғадиган сув омборларини фойдаланишга топширишни, жами узунлиги 2 минг километрдан кўпроқ дарё соҳилларини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишни назарда тутади.

ВАРШАВА. Бу ердаги «Унима-Унитра» корхонаси бутун Польша электроникасига машина ва технология асбоб-ускуналари етказиб берувчи корхонадир. Бу йил у ярим миллиард злотийлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Беш йилликнинг охирига бориб завод ишлаб чиқарадиган маҳсулот икки баравар кўпаяди.

ПХЕНЬЯН. Корея, винокорлари шу кунларда Сунчон цемент заводида монтаж ишларини тамомламоқдалар. Бу завод КХДРда энг муҳим винокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи катта корхона бўлади. Завод тўла қувват билан ишга туширилгандан кейин ҳар йили 5 миллион тонна цемент ишлаб чиқаради. Шу корхонанинг биринчи технология линияси бу йил фойдаланишга топширилади.

ПРАГА. «Далешице» гидроузелининг қурувчилари меҳнатда катта ғалабага эришдилар. Улар бу ерда сув омборини муддатидан уч ҳафта илгари тўлдира бошладилар.

Йиглава дарёсининг ўрталарида Чехословакияда энг катта гидротехника иншоати қурилади. 100 метр баландликдаги тўғон сувнинг оқишини тўхтатиб қўйди. Ҳосил бўладиган сув омборининг узунлиги қариб 25 километрга боради. Монтажчилар 410 минг киловатт қувватга эга бўлган 4 та турбинани шу кунларда ишга туширишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

(ТАСС).

ЁШ РЕСПУБЛИКАНИНГ РЕЖАЛАРИ

САН-ТОМЕ, 14 июль. **ТАСС махсус мухбири Б. Пильнников хабар беради:**

Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикасининг президенти Мануэл Пинто да Коста қуйидагиларни айтди: Ер ислоҳоти халқимиз эришган сиёсий ғалабаларни мустаҳкамлаш ва жамиятни тобора демократлаштириш йўлидаги муҳим қадамдир. Президент мустақилликка эришган кунининг бир йиллиги муносабати билан меҳнаткашларнинг оммавий митингида нутқ сўзлади.

Йирик какао плантацияларининг ҳаммасини национализация қилиш, деб таъкидлади у, бу ислоҳотни амалга оширишда биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Пинто да Коста иқтисодий ривожланиш планлари тўғрисида гапириб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Балиқ овлашни уюштириш ва саноат асосида балиқни қайта ишлаш, винокорлик материаллари тайёрланадиган, мева, какао қайта ишланадиган корхоналарни вужудга келтириш имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда, нефть конларини қидириб топишга киришилди.

Оролларда бепул бошланғич ва ўрта таълимнинг жорий этилганлиги шунингдек бепул медицина хизмати кўрсатилаётганлиги, деди президент, мустақиллик биринчи йилининг социал ғалабаларидандир.

Давлат бошлиғи мамлакат тараққиётининг бундан кейинги босқичида ҳукмрон партия — «Сан-Томе ва Принсипи оролларги озодлиги ҳаракати» партиясининг роли бутун чоралар билан оширилади, деб уқтириб ўтди.

ЛИВАН ВА УНИНГ АТРОФИДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. **ТАСС мухбирлари В. Копитин ва А. Ўрозов хабар берадилар:**

Ливан реакцияси шу мамлакат халқи бошига миллий фожиа бўлиб тушган уруш ҳаракатларини кучайтиришни зўр бериб давом эттирмоқда. Ливан ишчи ва хизматчилари бирлашган касаба союзлари федерациясининг маълумотларига қараганда, қуролли тўқнашувлар давом этган 15 ой ичида мамлакатга 20 миллиард доллар миқдорида зарар етказилди. Ливаннинг экономикаси изидан чиқиб кетди.

Мамлакатда аҳвол жуда оғирлашиб қолди. Қуролли тўқнашувлар энг юқори чўққисига етди. Ливаннинг миллий ватанпарвар кучлари ҳамда Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати билан иккинчи томондан ўнг христиан кучлар ўртасидаги шиддатли жангларда оғир артиллерия ишлатилаётган жанглар Байрутда жойлашган Фаластин Телл-Заатар лагери теварагида давом этмоқда. Лагерь ҳимоячилари тўрт ҳафтадан бери давом этаётган ҳужумни мардонавор қайтармоқдалар. 13 июнь бутун тун бўйи шу районда тўп садолари ва автоматлардан отилган ўқ овозлари эшитилиб турди.

Ўнг кучлар Триполи шаҳрига жануб томондан кенг миқёсда ҳужум қилмоқдалар. Матбуотнинг хабарларига кўра, Сурия артиллерияси яна Сайда яқинидаги Захроин шаҳрида нефть тозалаш заводини ўққа тутди. Завод ишдан чиқди ва мамлакат ёнилги ва ёқилғидан маҳрум бўлиб қолди.

ҚОҲИРА. (ТАСС). Араб мамлакатлари иттифоқига аъзо бўлган давлатлар ташқи ишлар министрлари кенгашининг Ливандаги аҳволни муҳокама қилиш учун чақирилган фавқулодда сессияси мажлисида унинг иштирокчилари шу масала юзасидан таклифларни қараб чиқиш учун комиссия туздилар.

Араб мамлакатлари иттифоқи вакили Яҳё Абу Бакрнинг айтишича, сессиянинг барча иштирокчилари Ливанда ўт очишни тўхтатиш учун шошилинч чоралар кўриш зарур, деган фикрга келдилар.

МАОЧИЛАРНИНГ АГРЕССИВ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

«РУДЕ ПРАВО» ГАЗЕТАСИНИНГ ЕЗГАНЛАРИ

ПРАГА, 14 июль. (ТАСС). «Руде право» газетаси «Маочилар ва коллектив хавфсизлик системаси» сарлавҳали мақоласида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш ўз ишини тамомлагандан кейин ўтган бир йил давомида Пекиннинг олиб борган ташқи сиёсатини анализ қилиб берган.

Пекин раҳбарлари, деб ёзади газета, мумкин бўлган ҳамма жойда ҳар қандай воситалар билан бўлса ҳам халқаро кескинликни юмшатишга, халқларнинг коллектив хавфсизлиги учун қураш ҳаракатини кучайтиришга қарши туриш мақсадида жон-жаҳдлари билан иш кўрмоқдалар. Маочилар халқаро проблемаларни кўп томонлама асосда тинч ҳал этиш ва тинчликни сақлаб қолиш мумкин эканлигини тасдиқлаган Умумевропа кенгашида муваффақият билан бошланган жараён Осиё қитъасига ҳам тарқалишидан қўрқиб шошиб-пишиб ҳаракат қилмоқда.

ХХР чет давлатлар билан дипломатия муносабатларини ўрнатмоқда, шу давлатларнинг вакиллари Пекинга келганларида уларни хушмадғўйлик билан кутиб олмоқда, лекин айни вақтда чегараларда қуролли можароларни туғдирмоқда, бошқа мамлакатлардаги экстремист ва сепаратчи гуруҳларни қўллаб-қувватламоқда, қўшни давлатларга нисбатан асоссиз равишда территорияларни даъво қилиб чиқмоқда.

Пекиннинг турли мамлакатларга қилаётган территория даъволари уч миллион квадрат километрдан кўпроқ жойни ўз ичига олади, дейилади мақолада. Хитойда тез-тез чиқариб турилган ҳариталарда Пекин раҳбарлари бутун дунёга ўзларининг ҳатарли планларини намойиш корона эслатиб ўтмоқдалар. Бу буюк давлатчилик хуружлари Хитойга қўшни давлатларни қонуний равишда ташвишга солмоқда. Пекин сўзлари ишга, яъни ҳарбий нигоҳларга ўта олишга бир неча марта намойиш қилди.

Газета Хитой чегарасида қўшни давлатлар билан бўлган можароларни, Хитой қўшинлари Вьетнамга тегишли оролларни босиб олганликларини, маочи раҳбарларнинг бошқа нигоҳарлик хуружларини эслатиб ўтади.

Мана шу фактлар Пекин маъмурларининг кескинликни доимо сақлаб қолиш ва можароли вазиятнинг туғилишига йўл қўймасликдан иборат стратегик мақсадларини кўрсатиб турибди, чунки уларнинг фикрича, шу йўл билан Хитойнинг сиёсий ва иқтисодий гегемонлигини ўрнатиш учун шарт-шароит яратиш мумкин.

Советлар мамлакатида

ТАСС МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИДАН

ЯНГИ УРАЛ БИРЛАШМАСИ

Мамлакатдаги кўпгина металл ишлаш заводлари жанубий Уралдан абразив асбоб-ускуналар олиб турадилар. Челябинск областида Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилаётган ана шундай буюмларнинг талайгина қисми тайёрланмоқда. Энди ана шу маҳсулотни ишлаб чиқараётган ҳамма корхоналар янги ишлаб чиқариш бирлашмаси составига кирди. Бирлашма шариклли подшипник ва машинасозлик заводлари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш имконини беради. Бунга эса цехларни маҳкам кооперациялаш ва ихтисослаштириш, параллел ишлаб турган баъзи ишлаб чиқариш ва бўлимларни тугатиш йўли билан эришилади.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИБ

Днепропетровск (Украина) шина заводи ишчиларидан катта бир группасига «Сифат аълочиси» деган фахрий ном берилди. Уларнинг ҳар бирига шахсий тамға топширилди. Ана шу номни олиш учун ўтказилаётган мусобақада энг яхши ишчилар олти ой мобайнида бирон марта ҳам технологияга путур етказмадилар, маҳсулотни биринчи кўрсатишдаёқ топширдилар ,турдош корхоналардан ва буюртмачилардан ҳеч қандай таъна олмадилар. Энди корхонада 300 нафар «Сифат аълочиси» ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бири ишдаги икки кўпнисига маҳоратни оширишда кўмаклашмоқда.

Ҳозир заводда шиналарнинг учдан икки қисми давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда.

ЧУПОНЛАР — КИНОПОВЕСТЬ ҚАҲРАМОНЛАРИ

«Қозоқфильм» студиясида яратилган «Ўз юлдузингни асра» деган янги бадиий киноповесть қадимий чўпонлар касби романтикасига, олис яйловлардаги қўйбоқарларнинг ҳаётига бағишланган.

«Ўз юлдузингни асра» фильми билан Қозоғистон кинематографиячилари меҳнат аҳлига — замондошларимизга бағишланган бадиий ленталар туркумини очиб берди. Бу туркумда ўнта киноповесть бўлиб, улар республикадаги нефть ва полиметалл руда қазиб чиқарувчилар, металлургчилар, химиклар, тўқимачилар билан таништиради.

ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

Туркманистон ССР Фанлар академияси ҳузурида хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш проблемалари билан шуғулланувчи илмий кенгаш тузилди.

Кенгаш составига республика етакчи олимлари, республика муассасаларининг масъул ходимлари кирди. Кенгаш қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, рационал жойлаштириш ва зоналар бўйича ихтисослаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш соҳасидаги ишни мувофиқлаштириб туради.

ЧИДАМЛИ КЕСКИЛАР

Копейск машинасозлик заводида проходка комбайнлари учун ғоятда чидамли кескилар ясалди. Саноат қўламидаги синовлар кончилик машиналарининг шу муҳим деталлари ўша қаттиқ қотишмалардан ясалгани билан одатдагисидан бир неча баравар кўпроқ хизмат қилишини кўрсатди. Кески иш чоғида ўзи чархланиб турадиган қилиб ясалган. Ҳозирча фақат портлатувчилар уддалай оладиган қаттиқ тоғ жинсларини ҳам кеса олади. Эндиликда комбайнларнинг кески қисмини қарийб ҳар куни алмаштиришга зарурат қолмайди: ғаройиб кески бир ҳафта ва ундан кўп хизмат қилади. Натижада машиналарнинг бекор туриши анча камайиб, кончиларнинг меҳнат унумдорлиги ошади.

Шу йил Копейск машинасозлари мамлакат шахтёрларига юз минглаб янги кески тайёрлаб берадилар. Кейинчалик эса йилига 2 миллион ва ундан кўп кески тайёрланади.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ҚУРИЛИШИДА

ЕР ОСТИ САРОЙИ

(ФОТОЛАВҲА)

— Ўғлим, митронга қачон оборасан? — сўради Мукамбар ая.

— Обораман, ойи, обораман. Кунлар сал салқин бўлсин, кўряпсиз-ку, ҳозир нақ ёнаяпти.

— Айтгандай, ойинг ўргулсин, тўғрисини гапир, метро ўзи чиндан ҳам ҳовлидай катта жойми ё Тойчахоннинг қизи қазиган лаҳмдекми?

— Э-ээ, нималар деяпсиз, ойи? — Кулди Абдуқаҳҳор. — Метрода бутун бошли поездлар юриб турадиг-я. Лаҳммас, метро! Ме-ет-ро-о!

Мукамбар ая ўғли ҳарбий хизматдан қайтиб метрога ишга киргандан буён «Метро» деб эшитади-ю, лекин ҳеч тасаввур қилолмайди. Абдуқаҳҳор гапираверса кўз олдига «Алпомиш» достони келади. Унда Алпомиш ўз йигитлари билан Қалмоқ юртида жодугар кампирга дуч келгани, макр-ҳийла билан қўлга тушгани, дўстлари ўтда куйиб, ўзи қудуққа йиқилгани, юрт эгасл— Тойчахоннинг қизи Тавкаойимнинг Алпомишни ғойибдан севиб қолгани ва унинг қудуқ-қача лаҳм кавлаб келгани эсида қолган. Бироқ ўшанда лаҳм оғзидан Алпомишнинг калласи ўтади-ю, елкаси сиғмай қолади. Яхшиямки, унинг кунига Бойчибар оти ярайди.

Ая шуларни ўйласа керак, метрони кўришга жуда-жуда ишқибоз. Ҳар гал ўғлидан сўрагани-сўраган. Ниҳоят Абдуқаҳҳор Худойберганов яқинда Мукамбар аяни метрога олиб келди. У ўзи ишлаётган «Октябрь революцияси» станциясининг бугунги манзарасини кўрсатди.

Станция платформасида иш қизғин. Биров мармар йўнянпти, биров шифтлардаги тайёр кассеталарга ганчдан гул солиб пардоз берянпти (1-сурат). Яна биров арматура пайвандлаяпти. Энг илғорларига берилган шеклли ҳар жой-ҳар жойда қизил байроқчалар илиб қўйилган.

— Ҳей..., — дея нафасини ичига тортди ая. — Туф-туф, кўз тегмасин! Айтганингча бор экан, болам, мен бўлсам Алпомишни ўйлаб юрибман. Метро деганинг шаҳар экан, Тавкаойим қазиган лаҳм қайда-ю, бу ер ости саройи қайда?

— Ана, кўрдингизми, — деди Абдуқаҳҳор мағрур қиёфада. — Сиз бўлсангиз достонлардаги лаҳмни айтиб юрибсиз...

— Нима қилай, болам, қариллик-да! Сенлар ёш, шу ерда ишлаб кўриб юрибсанлар. Сўрасам айб бўлтими? Ке, кўй, билмасам билмабман, яхшиси, бу йўллар энди қаерга боришини айтиб бер. — Ая ер ости бўйлаб кетган ўнг ва чап қанот забойларга ишора қилди.

— Мана буниси, — кўрсатди Абдуқаҳҳор. — Ленин майдони станциясига борадн. Бунисн эса у ердан келаётган поезд учун. Менинг у ерда ҳам дўстларим кўп. Владимир билан Комбалатни биласизми, ҳув қишда уйга боришувди. Иккови ҳам ўша ерда ишлашапти. Яқинда мажлисда уларни мақтащди. Владимир Илли билан Комбалат Цахоевлар мусобақада ғолиб чиқди, деб мукофот беришди. (2-сурат).

— Улар у ёндан бу ёққа қараб келишяптими? — ая ўғлининг сўзини бўлиб сўради.

— Ҳа-да! У ёқдан бу ёққа мана бу қанотдан йўл келяпти, — Абдуқаҳҳор тор изли темир йўллар ётқизилган забойларни кўрсатди. (3-сурат).

— Вой, поезд деганинг шу излардан юрадими? — ажабланди ая.

— Йўқ, ойи, бу излар поездлар учунмас, вагонеткалар учун. Улар ер остида қазилган тупроқни шу излардан олиб чиқиб кетади. Вақтинчалик. Ростакам изларни энди қурялмиз. Ана қаранг, ўнг қанотдан бошладик...

Ўша куни Мукамбар ая Худойберганова метрони роса айланди. Ўғли Абдуқаҳҳор ўзи бошлиқ откаткачилар бригадаси ишлаётган участкага олиб борди. Ая метродан чиқиб кета туриб, ўз таассуротларини одамларга айтиб беришни кўнглига тугиб қўйди. Мана, сиз уларни эшитдингиз ҳам.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.
И. Глауберзон фотолари.



ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Ибройим ЮСУПОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири.

ТОШКЕНТЛИК ШОИР ДЎСТЛАРИМГА

Диллар бир-бировга яқин ҳам ризо,
Ҳечким бу дўстликка раҳна солмагай.
Тошкентга товони тегса Жўлмирза,
Топтирмас гулзорга тушган олмадай.
Мана, ўзим билган ҳар бир кўчага
Шамоллардай кирдим, айландим алҳол.
Қўнғироқ ҳам қилдим қанча гўшага:
«Бориб қолмадими бизнинг оқсоқол!!»
Кимдир: «Ойбек билан иккови тонгда,
Союздан қайгадир кетдилар» деди.
Кимдир: «Қаватнда Миртемир домла —
Пинҳон шивирлашиб ўтдилар» деди.
Яшин Москвами, бир ёққа кетган...
Изларин йўқотиб энди оғамнинг
Лол турсам, чойхона ёқдан бир четдан,
Қаҳ-қаҳни эшитдим Ғафур Ғуломнинг.
Оғам ҳам шу ердан топилди-қолди:
Чой совиб — аския қизғанди чунон....
Асли, бу гапларга кўп йиллар бўлди, —
Лекин юрагимга яқиндир ҳамон.
Ана шундан буён олтин даврангиз,
Мени ётсирамас — қучоғи очар.
То шундан ёр-дўстлик гуллари ҳаргиз,
Кўнглимм бўстонига ифорлар сочар.
Қўмсайман: Анҳорнинг бўйида аста,
Езғи оқшомларда сиз билан юрсам.
Майли Тошкент бўлсин, майли Нукусда,
Шод бўлиб кетаман сизларни кўрсам.
Дўстларим, сизларсиз кўнглим хуш бўлмас,
Баримиз бир боғнинг булбулларимиз.
Дилда сиздан айри илҳом жўш урмас,
Иқболимиз бирдир, бирдир еримиз.
Давримизнинг энг юксак минбарларидан,
Зўр рух-ла, сиз кўкрак керуб чиққан чоғ,
Ўзбекнинг шу мағрур, янгроқ шеъридан,
Менинг ҳам кўксимда юксалади тоғ.
Зулфия созининг баланд овози
Янграб, борлиғимни этганида ром —
Озод Шарқ қизнинг баркамол, нозик
Суврати кўнглимда порлайди шу он.
Улуғ Навоийдан тортиб, бу кунги
Миттн Абдуллага қадар ўйласам —
Ўзбек шеъриятн бир дунё бўлиб,
Руҳимда яшайди мисоли кўклам.
Май тўлсин дейман мен қиргоғи оша,
Соқийим, сиз тутган табаррук жомнинг.
Қулоғимдан эса ҳеч кетмас ўша —
Жаранг қаҳ-қаҳаси Ғафур Ғуломнинг...

БИР ОДАМНИ БИР ОДАМ...

Ажойибдир, биродар,
Одамзотнинг юраги:
Бир одамни бир одам,
Жондек яхши кўради.
Бир одамни бир одам
Севиб қолар танишса.
Бир одамни бир одам
Соғинади олисда.
Биров кетса орадан,
Биров унга йиғлайди.
Бир одамдан бир одам,
Бориб кенгаш сўрайди.
Нафсин қийиб нон берар.
Томиридан қон берар,
Керак бўлса жон берар,
Бир одамга бир одам.
Ўқ отилса бировга:
Жонин қўйиб ғаровга,
Етиб борар суёвга,
Бир одамни бир одам.
Корвалан ётар тўтқун...
Океан оша бугун.
Талпинар ёрдам учун,
Бир одамга бир одам.
Яхшилик яшнарми ерда,
Миллионни миллион севармн,
Суймаганда агарда,
Бир одамни бир одам!
Сиқориб меҳр косасин,
Тош юраклар юмшасин.
Мангу севиб яшасин
Бир одамни бир одам!

Қорақалпоқчадан
Омон МАТЖОН таржимаси.

БОШОҚЛАР

Деҳқон кўнглидек кенг қирларда бу кун,
Майин шовуллайди олтин буғдойзор.
Гарчанд қуёш сочар оловли учқун,
Ва лекин деҳқонда на тин, ором бор.

Ахир нечун ором истасин деҳқон,
Миллионлар ризқи турса бошоқда.

Бошдан олов сочсин майли саратон,
Деҳқоннинг қалбида буғдой ардоқда.

Бошоқлар товланиб олар кўзингиз,
Шундай бошоқларки, зеб донга тўлиқ.
Бошоқлар-нонимиз, ризқи-рўзимиз,
Деҳқоним, асли Сен шу нондай улуғ!..

Турсун АЛИ.

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ҲАЛОВАТ МАЛИКАСИ

Саратон. Кун узун ва иссиқ. Ҳарорат вақти-вақти билан 40-42 даража атрофида. Кечга яқин ҳаво дим, бош бамисоли хум, ҳатто яшил япроқлар ҳам нафас ололмай қолади. Киши кучли ҳарорат таъсирида ҳолсизланади, совуқ тер босиб, ташна бўлади. Бу демак, юрак томирлар бир оз бўшашди деган сўз. Шундай ҳолат юз берганда қатик билан яхна кўк чойдан айрон тайёрлаб, оз-оздан ичилса киши ҳийла ўзига келади. Ҳовридан тушиш учун аслида сувни олдига тушадиган бошқа бирор тадбир йўқ. Рим тарихчиларидан Плиний «Сув билан ошна ватандошларим олти аср давомида шифокорга бориш учун ҳожат сезмаганлар, барча дардга сувдан шифо топганлар», — деган эди. Шарқ ва ғарб ҳакимлари ҳам бир оғиздан «Ҳамма гап сувда, сув ҳаловат манби ёки салқматлик маликаси» деб бекорга айтишмаган.

Дарҳақиқат, кун иссиб, бадан қизиши биланок киши совуқ сув ичади. Ўрнидан туриб, енгини шимаради, қўлларини ювиб, бурнига сув тортади, оғзини чайқаб, томоғини ғарғара қилади. Борган сари сув одамга хуш келаверади. Сўнг у юзини, бўйнини ювади. Шунака пайтда баъзилар бошидан сув қўяди. Мана шу таомилнинг биргина ўзи кишини ҳийла енгил ва хушёр қилади. Иссик кунларда, аслида совуқ сувда чўмилишга не етсин.

Ота-боболаримиз арик ёки анҳорга аста-секин тушиб, яъни этни «ўлдириб» сўнг бир-икки шўнгиб олардилар. Бу хил чўмилишда тиббий ҳикмат бор, албатта. (Юрак, томирлар авайланади). Сув баданни кир ва ҳиддан пок қилибгина қолмай, балки терининг «кўзи»ни очади. Сув таъсиридан хушёр тортган бош мия чуқур нафас олишга, юракнинг дадил уришига, мушаклар танобини тортишга сабаб бўлади. Натижада киши кислород танқислигидан қутулади. Меъда ичаклари ва бошқа органларнинг фаолияти яхшиланади. Сувдан чиққан киши энди руҳан тетик. Бундай кишилар унча-мунча дардга берилмайдилар. Аксинча унинг саломатлиги дурустлана бориб, куч ва қувватга кириб кетади. Медик олимларнинг айтишларича, совуқ сувда чўмилишга одатланган кишиларнинг 80 фоизи шамоллаш каби нозикликдан бутунлай ҳалос бўлиб кетганлар. Баданнинг чиниқиши, тобланиши учун сув асосий омиллардан ҳисобланади.

Анҳор, кўл ва дарёларнинг паст-баландлигини билмай туриб сувга шўнгиб бўлмайди. Совуқ сувда чўмилиш учун ўй шароитида бир катор амалий тадбирлар кўрилади. Аввало нимтатир сув (24-28 даража) билан «ошна» бўлинади. Сўнг сув ҳароратини аста-секин пасайтириб 12 ёки ундан ҳам паст даражали совуқ сувга ўрганиб олиш мумкин. Душ (ванна) хонанинг ҳарорати эса 17-20 даража атрофида бўлади. Сувдан чиққандан кейин сочиқ билан бадан яхшилаб артилади. Шунда кон югуриб, тери кизаради. Совуқ сувга ўрганишнинг иккинчи йўли ҳам бор. Сочикни аввало нимтатир сувга бўктириб, сўнг қўл-билак, елка-бўйин ва кўкрак яхшилаб артилади. Иккинчи марта сочик сал совукрок сувга ботирилади, қўлдан, бўйиндан бошлаб, корин ва оёқларгача артилади. Сўнг қурук сочиқ билан бадан тозаланадида, кафт билан аъзоларни бирма-бир «савалаб» чиқилади. Бу сувдан сўнг баданни укалаш деган сўз. Ана энди хар қандай ишни бемалол бажариш ёки каттик уйқуга кетиш мумкин.

Ёзда ҳузур-ҳаловат киламан деган киши соғлиқ маликаси—сув билан инок бўлади. Сув—оби-ҳаёт деб бекорга айтишмаган.

Э. ЗИКРИЛЛАЕВ.
медицина фанлари кандидати.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
17 ИЮЛДАН БОШЛАБ
ЛАТВИЯ ССР ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ
БУТУНИТТИФОҚ ЦИРК НОМЕРЛАРИ КЎРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ, ЛАТВИЯ ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ СТЕПАН ДЕНИСОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

«УССУРИЯ ЙЎЛБАРСЛАРИ»
АТТРАКЦИОНИ

ЛАТВИЯ ССР ХАЛҚ АРТИСТИ АНТОНИО РАҲБАРЛИГИДАГИ МАСХАРАБОЗЛАР ГРУППАСИ.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.
Билетлар сотилмоқда. Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари 15.00 ва 19.30 да бошланади.
СПРАВКАЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОН 44-35-91.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
17, 18 ИЮЛЬ СОАТ 19.30 ДА
ТЕЛЕВИЗИОН МИНИАТЮРАЛАР ТЕАТРИ ТОМОШАБИНЛАР ҲУЗУРИДА
«ҲАЖВ ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ»
ҚАТНАШАДИЛАР:
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЭРГАШ ҚАРИМОВ.
Артистлар: ҲАСАН ЙЎЛДОШЕВ, САДИР ЗИЕВУДДИНОВ, ҲУСАН ШАРИПОВ.
БУТУНИТТИФОҚ БАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КУРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ

Ўзбек ашула ва рақс
«ШОДЛИК» АНСАМБЛИ
Ансамблнинг бадиий раҳбари — Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати МИРСОДИК ТОЖИЕВ.
УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ВА РАДИОСИНИНГ, ДУТОРЧИЛАР АНСАМБЛИ.
Ансамблнинг бадиий раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ТЕЛЬМАН ҲАСАНОВ.
Узбекистон ССР халқ артисти ҲАБИБАХОН ОХУНОВА (Наманган);
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ТОЖИДДИН МУРОДОВ (Қарши), ИКРОМЖОН БУРОНОВ;
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА, ДИЛАФРУЗ ЖАББОРОВА;
Солистлар: КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ (Наманган), ИБРОҲИМЖОН ИСҲОҚОВ (Марғилон), ҚОБИЛЖОН ЮСУПОВ (Фарғона), МАТЛУБА ДАДАБОЕВА (Наманган), МУСАЖОН ОРИПОВ (Марғилон).
УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Музика раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист САЛОҲИДДИН ТУХТАСИНОВ.
Программани телевидение дикторлари НАСИБА ҚАМБАРОВА ва МИРЗОҲИД РАҲИМОВ олиб борадилар.
Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

СССР Давлат банкининг
ТОШКЕНТ ҲИСОБ-КРЕДИТ ТЕХНИКУМИ
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ, ДАВЛАТ БАНКИДА ҲИСОБ ВА ОПЕРАТИВ ТЕХНИКА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ПУЛ ВА КРЕДИТ УТКАЗИШ.
ЎҚИШ МУДДАТИ — тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун — 3 йил, ўрта маълумотлилар учун 1,5 йил.
Кирувчилар: тўлиқсиз ўрта маълумотлилар — рус тили (диктант), математика (оғзаки), ўрта маълумотлилар — рус тили ва адабиётдан (иншо), математика (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар
Дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган группаларга кирувчи маҳаллий миллат вакиллари рус тили, ўртача ўзбек тилидан тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаб программаси ҳажмида имтиҳон топширадилар.
Директор номига ёзилган ариза ўрта маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), 3х4 см. ҳажмидаги 4 та фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси билан қўшиб топширилади.
Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.
Саккиз йиллик мактаб базасидаги группалардан аризалар 31 июлгача, кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача, ўрта мактаб базасидаги группалардан аризалар 14 августгача, кириш имтиҳонлари 1 августдан 21 августгача қабул қилинади.
ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Киров район, Далазор кўчаси, 29-уй (2, 16, 25-трамвайларнинг «Геологоразведка», 9, 11, 19, 49, 60-автобусларнинг «Галаба боғи» бекатлари).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Мультфильм. 11.00 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильм, 9-серия). 12.20 — А. Пахмутова қўшиқлари. 15.10 — Буюк бунёдкорлик кунделиги. 16.10 — Москва ва москваликлар. 16.40 — Ираклий Абашидзе поэзияси. 17.25 — **Зангори патруль** (бадиий фильм). 18.30 — Жонажон мамлакатимиз бўйлаб. Узбекистон ССР. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Телеочерк. 19.55 — Концерт. 20.05 — **Фаластинликлар** (ҳужжатли фильм). 21.05 — Эстрада программаси. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильм, 10-серия).

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Фильм-концерт. 11.55 — Сеҳрли саёҳатлар. 12.25 — **Митти қочоқ** (бадиий фильм). 14.10 — Партия фарзанди (ҳужжатли фильм). 18.30 Қўғирчоқ фильм. 18.55 — Қувноқ пионер ёзи. 19.15 — **«Ахборот»**. 19.30 — **Баландлик** (бадиий фильм). 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Нов-иСъмат бунёдкори. 21.40 — Концерт. 22.20 — Оламга саёҳат. 23.20 — Гулистон — Боёвут — Шеҳроз (фильм-концерт).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Бадиий фильм. 20.25 — Тошкент янгиликлари. 20.40 — Дўстлик қўллари. 21.10 — Музикали сайил. 21.35 — Физика.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Цирк — «ДРУЖБА» (10.20, 12, 14, 16). «УЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда).

Узбекистон ССР Маориф министрлиги коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари Узбекистон ССР Маориф министри С. Ш. Шермуҳамедова онаси

Сўнагул ШЕРМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Педагогика жамиятининг Марказий совети президиуми Узбекистон ССР Маориф министри С. Ш. Шермуҳамедова онаси

Сўнагул ШЕРМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитети, Узбекистон маданият ходимлари республика касаба союз комитети, нашриётлар ва полиграфия илмий-техника жамияти республика правленнеси президиуми правление раисининг ўринбосари Р. М. Григорьянца онаси

Елена Осиповна ГРИГОРЬЯНЦнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ФАН ВА ТЕХНИКА ОЛАМИДА

ҲАЁТ МАНБАИ

Денгиз сувининг энг юқори қатламида яшовчи ўта майда организмларнинг борлигини бундан йигирма йил бурун совет олими Ю. П. Зайцев аниклаб берган эди. Денгиз сувининг беш сантиметр калинликдаги энг юқори кисмидагина яшовчи бу организмлар ультрабинафша нурлар, кучли тўлкинлар. вакти-вакти билан музлаш ва шу каби бошка табиий шароитлар таъсирида вуждга келган. Олимларнинг олиб борган кузатувлари бу организмларнинг бундай огир шароитларда тез ривожланишига сабаб баъзи бир омиллар таъсиридан деб топилди. Булардан бири — денгиз ва атмосферани бирбиридан ажратиб турувчи юза каватнинг ўзига хос бўлган физик конуниятларидир. Сув юзасида йигилувчи турли моддалар тўлкинлар ва бошка табиий ўзгаришлар таъсирида муаллак майда заррачаларга айланиб, организмлар учун тўймли озуқа шаклига ўтади. Бундай жараён доимий бўлиб турганлиги организмлар учун ҳаёт манбаи бўлиб қолганлиги табиийдир.

ЯНГИ МОДДА

Давлат шиша илмий-тадқиқот институтида йўл қурилиши материали сифатида ишлатиладиган модда яратилди. Дорсил деб ном олган бу шиша-кристалл доначалар асфальтдаги майда тошчалар ўрнига қўшилади. Бунда йўлнинг ранги тиниқлашади, нурни қайтариш хоссаси бирмунча яхшиланади. Бу эса ўз навбатида тунда йўлда келаётган автомобиль, одамлар ва бошқа нарсаларни яхши аниклаб, узоқдан кўришга ёрдам беради. Йўллар иссик таъсирида «юмшаб» кетмайди, совуқда торайиб ёрилмайди. Дорсил — келажакда қуриладиган магистрал учун муҳим қурилиш материали бўлиб қолиши, шубҳасиз.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ КИЛОГРАММЛИ МАШИНА

Харьков кўчаларида Иттифоқимизда биринчи бўлиб яратилган веломобиль ҳаракат қила бошлади. Учта ғилдиракка ўрнатилган ойнаванд кабина ичида велосипед рули кўринади. «Вита» деб ном олган янги митти автомашинанинг оғирлиги 29 килограмм бўлиб, бензин ҳам, дизель ёқилғиси ҳам, сув ҳам талаб қилмайди. Веломобилни Харьков автомобиль йўллари институти ассистенти Ю. К. Стебченко яратди. Янги машина икки педалга эга бўлиб, соатига йигирма километр тезликка эга.

ДИҚҚАТГА САЗОВОР

Латвиядаги Олайне химиявий реактивлар заводида пектаваморин номли препарат ишлаб чиқарила бошланди. Препарат вино-мева шарбатини тиниқлаштиришда, шарбатни мева пўстлоғидан ажратишда—фильтрлаш жараёнларида муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари пектаваморин озуқага қўшилганда чорва молларининг тез семиришига ёрдам бериши ҳамда илгари силоса ярамайдиган ўсимликларни силос қилиб, озуқа сифатида бемалол фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 20118. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 165.